

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

# **“ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИЯ” МОДУЛИ БЎЙИЧА**

## **Ў Қ У В – У С Л У Б И Й   М А Ж М У А**

**Касбий қайта тайёрлаш  
йўналиши:**

**Тингловчилар контингенти:**

**Мактабгача таълим муассасаси  
амалиётчи психологилари**

**Олий таълим муассасаларини  
педагогика ва гуманитар таълим  
соҳалари таркибидаги таълим  
йўналишларини битирган  
мутахассислар**

**Касбий қ  
йўналиш**

**Тинглов**

**Тошкент – 2018**

**ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

# **“ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ” МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Тошкент – 2018**

Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлигининг 11-қ-қ, 1-қ-қ қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари касбий қайта тайёрлаш курсининг ўқув режаси асосида тайёрланди.

**Тузувчи:**

Н.А.Ғайибова– Психология ўқув-илмий Маркази, “Ривожлантириш психологияси” лабораторияси бош илмий ходими.

**Такризчилар:**

Б.М.Ботиров – Психология ўқув-илмий Маркази, “Шахс ва шахслараро муносабатлар” лабораторияси мудири, пс.ф.номзоди  
З.Расулова – ТИУ, “Психология ва фалсафий фанлар” кафедраси мудири

Ушбу ўқув-услугий мажмуа Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Кенгашининг 2018 йил 16 февралдаги 6/1-сонли йиғилишида маъқулланган ва нашрга тавсия этилган.

## МУНДАРИЖА

|                                                                        |     |
|------------------------------------------------------------------------|-----|
| I. Ишчи дастур .....                                                   | 5   |
| II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари. .... | 12  |
| III. Назарий материаллар .....                                         | 20  |
| IV. Амалий машғулот материаллари.....                                  | 45  |
| V. Кейслар банки.....                                                  | 57  |
| VI. Мустақил таълим мавзулари.....                                     | 61  |
| VII. Глоссарий .....                                                   | 662 |
| VIII. Адабиётлар рўйхати.....                                          | 68  |

# ИШЧИ ДАСТУР

## **КИРИШ**

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли қарори (29.12.2016 й.) “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3276 - сонли қарори (15.09.2017й). “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261 -сонли қарори (09.09.2017 й) “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сонли қарори (30.09.2017 й.) “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5198-сонли Фармони (30.09.2017 й.) қабул қилинди.

Қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар мактабгача таълим муассасаларида илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш; мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш имкониятини яратади.

Ушбу “Ижтимоий психология” фанининг ишчи ўқув дастурида келтирилган мавзулар ижтимоий психологияга доир асосий муаммоларни қамраб олган. Дастур мактабгача таълим соҳаси бўйича амалий психологларни қайта касбий тайёрлаш курсининг ўқув дастури асосида тузилган бўлиб, у амалиётчи психологларга таълим муассасаларида ижтимоий муносабатларни тўғри ташкил этиш, шахслараро муносабатларни самарали йўлга қўйиш усулларини очишга ёрдам беради.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**Модулнинг мақсади:** тингловчиларда Ижтимоий психологик билимларни, жамиятдаги воқеа-ҳодисаларнинг ҳамда шахсни ўзида кечадиган жараёнларнинг гуруҳ билан боғлиқ равишда ўзгариши тўғрисидаги психологик билимларни шакллантириш, уларни жамият ҳаётида Ижтимоий психологик ҳодисалар, ҳолатлар ва жараёнларнинг моҳиятини таҳлил этишга, шахснинг камолоти ва унга таъсир кўрсатувчи Ижтимоий омиллар, шахснинг мулоқот жараёнидаги индивидуал психологик хусусиятлари, эмоционал ҳолатларини таҳлил этишга ўргатишдан иборат.

### **Модулнинг вазифалари:**

- тингловчиларга шахс ижтимоий психологиясининг умумий илмий асосларини ўргатиш;
- инсон психикасини ижтимоий психологик таҳлил этиш ҳамда жамият ва шахс орасидаги муносабатлар ривожланишининг ижтимоий психологик қонуниятларини ўргатиш;
- ижтимоий психология фанининг жамият ва шахс камолотидаги ўрнини тушунтириш;
- тингловчиларда воқеа ва ҳодисаларни ижтимоий психологик нуқтаи назардан таҳлил ва тадқиқ этиш малакасини ҳосил қилиш;

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма, малака ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

#### **Тингловчи:**

- Ижтимоий психология фанининг предмети ва вазифаларини, Ижтимоий психология фанининг методлари ва методикаларини, шахс ва жамоа муаммолари, оилавий муносабатлар Ижтимоий-психологик хусусиятлари тўғрисида **билимларга эга бўлиши;**

#### **Тингловчи:**

- метод ва методологияларнинг ўзаро боғлиқлигига кўра татбиқ этишни, Ижтимоий психологик методикаларни психологик тестлаштириш соҳаларига мос қўллаш **кўникмаларига эга бўлиши;**

#### **Тингловчи:**

- Ижтимоий психологик методикаларни қўллаш орқали диагноз қўйишни, Ижтимоий психологик натижаларини расмийшлаштириш ва уларни талқин этиш **малакаларига эга бўлиши керак;**

#### **Тингловчи:**

- мактабгача таълим муассасаси тарбиячисининг мулоқотга кириша олишини ўстириш бўйича;
- машғулотларда тарбиячи ва тарбияланувчиларнинг шахслараро муносабатларини ташкил этиш ва бошқариш;
- тарбияланувчиларнинг шахслараро аро муносабатларини тўғри ташкил этиш ва мулоқотга йўналтириш **компетенцияларини эгаллаши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

Ижтимоий психология модули назарий ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Назарий дарс-машғулотларида ижтимоий психологиянинг долзарб муаммолари, гуруҳ ва жамоа, шахснинг гуруҳдаги ўрни, шахснинг ижтимоий психологик хусусиятлари, ижтимоий психологиянинг тадқиқот методлари каби масалалар ҳақида маълумотлар берилади.

Амалий машғулотларда ижтимоий психологик метод ва методикаларнинг қўлланилиши, социометрия ва бошқа диагностик методикаларни қўллаш ўргатилади.

Машғулотларда техник воситалардан, тест сўровлари, ақлий ҳужум,

гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерфаол таълим усулларида фойдаланиш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Ижтимоий психология фани ўқув режадаги туркум фанлар, жумладан умумий психология, оила психологияси, умумий психодиагностика, онтогенез психологияси фанлари билан яқин муносабатда бўлади. Шунингдек, бу фанларнинг маълумотларига таянади ва ўз маълумотлари асосида улардан олинган билимларни чуқурлаштиради.

### **Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

Мазкур модул — “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг ҳукукий-меъёрий асослари” блокларидан кейин, “Умумий психология”, “Онтогенез психологияси ва дифференциал психология” ҳамда “Умумий психодиагностика” фанлари билан мувофиқ кетма-кетликда ўрганилади. Унда юқоридаги блокларда ўрганилган мазмун йўналишлари ва услубий жиҳатларини мактабгача таълимга татбиқ этиш имкониятлари очиб берилади.

### **Модулнинг таълимдаги ўрни**

“Ижтимоий психология” курси тингловчилар учун ижтимоий психологик билимларнинг назарий асоси, жамиятдаги воқеа-ҳодисаларнинг, шахсни ўзида кечадиган жараёнларнинг гуруҳ билан боғлиқ равишда ўзгариши тўғрисидаги, шахс шаклланишида ижтимоий муҳитнинг таъсири ҳақидаги психологик билимлар билан бойитади, ижтимоий психологик ҳодисалар, уларнинг пайдо бўлиш қонуниятлари, механизмларини ўргатади. Тингловчилар учун бу курс бўйича олинадиган билимлар жуда муҳим аҳамият касб этади.

### **Модул бўйича соатлар тақсимооти**

| №  | МАВЗУЛАР                                                             | Ҳаммаси | Жами ўқув юкламаси | Жумладан |                 |                | Мустақил таълим |
|----|----------------------------------------------------------------------|---------|--------------------|----------|-----------------|----------------|-----------------|
|    |                                                                      |         |                    | Маъруза  | Амалий машғулот | Қучма машғулот |                 |
| 1. | Ижтимоий психология предмети ва тадқиқот методлари                   | 4       | 2                  | 2        |                 | -              | 2               |
| 2. | Гуруҳлар ва жамоалар муаммоси                                        | 4       | 2                  | 2        |                 | -              | 2               |
| 3. | Ижтимоий психологияда шахс муаммоси                                  | 4       | 2                  | 2        |                 | -              | 2               |
| 4. | Гуруҳлар ва жамоалардаги шахслараро муносабатларни ўрганиш методлари | 4       | 4                  |          | 4               | -              |                 |
| 5. | Ижтимоий психологик                                                  | 2       | 2                  |          | 2               | -              |                 |

|    |                                                                 |    |    |   |   |   |   |
|----|-----------------------------------------------------------------|----|----|---|---|---|---|
|    | тадқиқотларда проектив методлар                                 |    |    |   |   |   |   |
| 6. | Шахслараро муносабатларни ўрганишда социометрия методини қўллаш | 2  | 2  |   | 2 | - |   |
|    | Жами                                                            | 20 | 14 | 6 | 8 | - | 6 |

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Ижтимоий психология предмети ва тадқиқот методлари (2 соат).**

Ижтимоий психология предмети тушунчаси. Психологик ва социологик адабиётларда социал психология предмети. Ижтимоий психологиянинг бошқа фанлар, психологиянинг бошқа туркумлари билан муносабати. Шарқ мутаффакирлари қарашларида социал психологик ғояларнинг талқин қилиниши. Хорижда социал психологик тадқиқотлар тарихи. Ижтимоий психология фанинг вужудга келишининг уч асосий манбаси: халқ психологияси назарияси; омма психологияси назарияси; социал инстинктлар тўғрисидаги назария. Ижтимоий психологик таълимотларнинг ҳозирги ҳолати.

Ижтимоий психологик тадқиқотларни ўтказиш шароитлари ва техникаси. Тадқиқот дастурини тузиш. Тадқиқот таҳмини (фарази, гипотеза), тадқиқот методи ва методикаси. Ижтимоий-психологик тадқиқотларнинг асосий методлари.

### **2-мавзу: Гуруҳлар ва жамоалар муаммоси (2 соат).**

Гуруҳлар турлари. Жамоада ўзаро муносабатлар. Субординация. Катта ва кичик командирлар. Катта ва кичик гуруҳчалар. Расмий ва норасмий гуруҳ. Расмий лидер (командир) ва норасмий лидер. Жамоада турли мавқедаги шахслар. Нормалар. Жамоада кайфият. Жамоага психик таъсир ва ўзаро таъсир. Идентификация. Конформизм. Нонконформизм. Жамоада социал психологик муҳит, жамоада дўстлик, ҳамкорлик, жипслик, ўзаро мослик интизом ва мақсад бирлиги.

### **3-мавзу: Ижтимоий психологияда шахс муаммоси. (2 соат).**

Шахс ижтимоийлашуви. Шахслараро муносабатлар моҳияти ва турлари. Лидер ва унинг турлари, функциялари. Лидерлик қилиш услублари. Гуруҳлар ва жамоалардаги шахслараро муносабатларни ўрганиш методлари. Шахслараро муносабатларни ўрганишда социометрия методини қўллаш.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. Гуруҳлар ва жамоалардаги шахслараро муносабатларни ўрганиш методлари (4 соат)**

Гуруҳлар ва жамоалардаги шахслараро муносабатларни ўрганиш методлари. Шахснинг мулоқотчанлигини ўрганиш. Жамоадаги психологик муҳитни ўрганиш. Шахснинг низоли вазиятдаги ҳуққ услубини ўрганиш.

## **2-мавзу. Ижтимоий психологик тадқиқотларда проектив методлар (2 соат)**

Ижтимоий психологик тадқиқотларда проектив методикалардан фойдаланиш. Роршахнинг «Сиёҳ доғлари», Розенцвейгнинг «Расмли ассоциациялар», «Тугалланмаган гаплар» каби методлар.

## **3-мавзу. Шахслараро муносабатларни ўрганишда социометрия методини қўллаш (2 соат)**

Гуруҳдаги шахслараро муносабатларни ўрганишда социометрия методини қўллаш. Социометрик матрица тузиш.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ**

Модулга оид ўрганилган материаллар асосида “Ижтимоий психология предмети ва тадқиқот методлари”, “Гуруҳлар ва жамоалар муаммоси”, “Шахслараро муносабатлар моҳияти” мавзулардан тингловчи ҳоҳишига кўра танланган мавзуда мустақил иш бажарилади. Улар асосида малака ишининг кириш қисми тайёрланади.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш, кичик тадқиқотлар);

- давра суҳбатлари (кўрилаётган топшириқлар ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (топшириқлар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Myers D.G. Social psychology. 11 edition. – McGraw-Hill Education, 2012.
2. Абрамова.Г.С. Практическая психология. Екатеринбург: Деловая книга, 1999. – 512с.
3. Адизова Т.М. Ўқувчиларнинг шахслараро муносабатларини психологик диагностика ва коррекцион ишлари. ТДПИ. Нашр. Тошкент. 1997.
4. Андреева Г.М «Актуальные проблемы социальной психологии» . М, 1998.
5. Бэндлер Р. Гриндер Д. Сатир В. Семейная терапия.- Воронеж: «МОДЭК» 1993.
6. Введение в практическую социальную психологию/ Под ред. Ю.Жукова, Л.Петровской, О.Соловьевой. – М., 1996.
7. Ғозиев Э.Ғ. “Социал психология”. Тошкент, 2012 й.

8. Еникеев М.И. Общая и социальная психология М, 2002 .
9. Жалилова С.Х. «Социал психология» Маърузалар матни. Т. 2001 й.
10. Каримова В.М. «Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт» Т. 1999 й.
11. Каримова В.М. «Ижтимоий психология». Тошкент, 2012 й.
12. Крыско В.Г. Социальная психология. М.: ЭКСМО, - 2010 г
13. Махсудова М.А. Мулоқот психологияси. - Т., 2006 й. 183 б.
14. Майерс Д. Социальная психология. -М., 2010.
15. Немов Р.С. Психология. 2 ва 3 китоб. М.: 2001.
16. Парыгин В.Д. Основы социально-психологической теории. М. 2001.
17. Петровский А.В. Социальная психология. -М., 2003.
18. Чернышев А.С. Практикум по решению конфликтных педагогических ситуаций. – М., 1998 г. 221 с.
19. Шибутани Т. Социальная психология. Ростов н/Дону, 1998.
20. Шихирев П.Н. Современная социальная психология. М., 1999.
21. Шугуров М.В. Социальный конфликт и самоосуществление личности. Саратов, 1994 г. 236 с.

### **Электрон таълим ресурслари**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги: [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz).
3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази: [www.eduportal.uz](http://www.eduportal.uz), [www.multimedia.uz](http://www.multimedia.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: [www.aci.uz](http://www.aci.uz).
5. Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz).
6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
7. Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази: [www.giy.uz](http://www.giy.uz)
8. Ижтимоий ахборот таълим портали: [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz).
9. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz).

# **МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

### “SWOT-таҳлил” методи.

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

|                          |                          |
|--------------------------|--------------------------|
| <b>S – (strength)</b>    | • кучли томонлари        |
| <b>W – (weakness)</b>    | • заиф, кучсиз томонлари |
| <b>O – (opportunity)</b> | • имкониятлари           |
| <b>T – (threat)</b>      | • тўсиқлар               |

**Намуна:** Мобил қурилмалар учун Андроид операцион тизимининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

|  |                                            |                                                             |
|--|--------------------------------------------|-------------------------------------------------------------|
|  | Социометрия методининг кучли томонлари     | Гуруҳдаги шахслараро муносабатларни очиб беради             |
|  | Социометрия методининг кучсиз томонлари    | Тадқиқотчидан маълум тажриба талаб этади....                |
|  | Социометрия методининг имкониятлари (ички) | Норасмий лидерни аниқлаш...                                 |
|  | Тўсиқлар (ташки)                           | Маълумотлар хавфсизлигининг тўлақонли таъминланмаганлиги... |

### Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза

машғулотида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



ўқитувчи тингловчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



Дарс мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган таркатма материалларни таркатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича таркатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, ўқитувчи томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу яқунланади.

### Намуна:

| Тадқиқот методлари |               |                |               |                |               |
|--------------------|---------------|----------------|---------------|----------------|---------------|
| Суҳбат методи      |               | Контент анализ |               | Кузатув методи |               |
| афзалл<br>иги      | камчи<br>лиги | афзалл<br>иги  | камчилиг<br>и | афзалл<br>иги  | камч<br>илиги |
|                    |               |                |               |                |               |

### Хулоса:

#### «Кейс-стади» методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» — аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» — ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-

ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

#### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

| Иш босқичлари                                                                                                               | Фаолият шакли ва мазмуни                                                                                                                                                                                                                                                |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш                                                           | <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ яқка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>                       |
| <b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш                                                            | <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>                                                                                   |
| <b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш | <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>                                  |
| <b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.                                                    | <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ яқка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul> |

#### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

#### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

#### “Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчилар билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали тингловчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

#### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

#### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулоти қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган туғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

| Тушунчалар  | Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади? | Қўшимча маълумот |
|-------------|------------------------------------------------|------------------|
| Гуруҳ       |                                                |                  |
| Социометрия |                                                |                  |
| Референт    |                                                |                  |
| Лидер       |                                                |                  |
| Фасилитация |                                                |                  |
| Конформизм  |                                                |                  |
| Ингибиция   |                                                |                  |

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага тингловчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### **Венн Диаграммаси методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасаввурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

### Намуна: Социал психология предмети бўйича




### КЛАСТЕР усули

**Кластер** -ахборот харитасини тузиш йўли - барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниқлаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиш ҳисобланади.

Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғланишли тасаввурларни эркин ва очик жалб қилишга ёрдам беради.

Тингловчилар:

1. Ёзув тахтаси ёки катта қоғоз варағининг ўртасига “Ижтимоий психологик ҳодисалар” деган мулоҳаза учун мавзу ёзилади. Кластерни тузиш қоидаси билан танишадилар.
2. Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзу билан боғлиқ сўзлар кичик доирачалар “йўлдошлар” ёзиб қўшилади. Уларни “асосий” сўз билан чизиқлар ёрдамида бирлаштирадилар. Бу “йўлдошлардан” “кичик йўлдошлар” чиқарилади. Ёзув ажратилган вақт давомида ёки ғоялар тугагунича давом этиши мумкин.
3. Муҳокама учун кластерлар билан алмашинадилар.



# НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

## **1-МАВЗУ: Ижтимоий психология предмети ва тадқиқот методлари**

1. Ижтимоий психология предмети тушунчаси.
2. Ижтимоий психологиянинг бошқа фанлар, психологиянинг бошқа туркумлари билан муносабати.
3. Шарқ мутаффакирлари қарашларида социал психологик ғояларнинг талқин қилиниши.
4. Ижтимоий психология фанинг вужудга келишининг уч асосий манбаси.
5. Ижтимоий-психологик тадқиқотларнинг асосий методлари.

***Таянч иборалар:** Ижтимоий психология, социология, психология, ижтимоий психологик ҳодисалар, жамият, мулоқот*

Ижтимоий психология жуда қадимий ва шунинг билан бирга у ўта навқирон фандир. Унинг қадимийлиги инсоният тарихи, маданияти ва маънавиятининг қадимий илдизлари билан белгиланади. Улар аслини олиб қараганда, у ёки бу жамиятда яшаган кишилар ўртасидаги Ижтимоий муносабатларнинг ва тафаккурнинг ҳосиласи эканлиги билан эътироф этилса, Ижтимоий психология ўз услубияти, предмети ва фанлар тизимида тутган ўрнининг янгилиги инсоният тараққиётининг энг янги даврида шаклланганлиги ва ривожига туртки берганлиги билан тавсифланади. Дарҳақиқат, Ижтимоий психологиянинг фан сифатида тан олинishi хусусида сўз борар экан, унинг расман эътироф этилиши 1908 йил дейилади. Чунки айнан шу йили инглиз олими В.Макдугалл ўзининг “Ижтимоий психологияга кириш” китобини, америкалик социолог Э. Росс эса “Ижтимоий психология” деб номланган китобини чоп эттирган эди. Бу асарларда биринчи марта алоҳида фан - Ижтимоий психологиянинг мавжудлиги тан олинди ва унинг предметиға таъриф берилди. Иккала муаллиф ҳам – бири психолог, иккинчиси социолог бўлишиға қарамай, бу фаннинг асосий предмети Ижтимоий тараққиёт ҳамда психик тараққиёт қонуниятларини уйғунликда ўрганишдир, деган умумий хулосаға келишган. Тўғри, мазкур муаллифларнинг ҳар хил фан соҳасининг вакили эканлиги, уларнинг Ижтимоий психологик ҳодисалар табиатини ёритишға нисбатан ўзига хос қарашларининг мавжудлиги ва бундай ёндашув то ҳозиргача давом этаётганлигига асос бўлди. Рус олимаси Г.М.Андреева таъкидлаганидек, Ижтимоий психология соҳасида ишлаётган мутахассиснинг аслида ким эканлиги - психологми, файласуфми ёки социологми, - унинг ушбу фан предметиға ёндашувида ўз аксини топади, чунки агар у социолог бўлса, Ижтимоий қонуниятларни аввал бошдан жамиятдаги анъаналар ва умумий қоидалар тилида тушунтиришға интилса, психолог – конкрет олинган шахс психологиясининг қонуниятларини умумжамят қонун – қоидаларига татбиқ этишға ҳаракат қилади. Нима бўлганда ҳам, шуни асосли тарзда эътироф этиш зарурки, Ижтимоий психологиянинг алоҳида фан бўлиб ажралиб чиқишиға сабаб бўлган илмий манбалар икки фан – психология ва

социология фанларининг эришган ютуқлари ва ҳар қайсисининг доирасида маълум муаммоларнинг ечилиши учун яна қўшимча алоҳида фаннинг бўлиши лозимлигини тан олиш туфайли юзага келди. Шунинг учун ҳам узоқ йиллар мобайнида Ижтимоий психология соҳасида тадқиқотлар олиб бораётган олим ёки изланувчининг кимлигига қараб, изланишларнинг натижаларида у ёки бу ёндашув – психологик ёки социологик ёндашувнинг устуворлиги яққол кўзга ташланади. Демак, бу фаннинг туғилиши, ўз предмети соҳасини аниқлаб олишига сабаб бўлган социология ва психология фанлари аслида унинг “ота – оналаридир”.

Умумий ҳолда, ҳозирги кунда унинг предметини куйидагича таърифлаш мумкин: *ижтимоий психология – одамларнинг жамиятда ҳамкорликдаги иш фаолиятлари жараёни давомида уларда ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикрлар, эътиқодлар, гоялар, ҳис-туйғулар, кечинмалар, турли хулқ-атвор шакллари тушунтириб берувчи фандир*. Демак, ҳар бир шахснинг жамиятда яшаши, унинг ижтимоий нормаларига риоя қилган ҳолда ўзига ўхшаш шахслар билан ўрнатадиган мураккаб ўзаро муносабатлари ва уларнинг таъсирида ҳосил бўладиган ҳодисаларнинг психологик табиатини ва қонуниятларини тушунтириб бериш – ижтимоий психологиянинг асосий вазифасидир. Бундан келиб чиқадиган умумий таърифларга биноан, Ижтимоий психология ижтимоий мулоқотнинг мураккаб шакл ва механизмларини ўрганувчи фандир.

Ижтимоий психология ва умуман ижтимоий фаолият билан шуғулланувчи фанларнинг асосий вазифаси – баркамол авлод тарбиясини таъминловчи барча маънавий, рухий ва инсоний муносабатлар моҳиятини таҳлил қилиш, уларни бошқаришнинг энг самарали усуллари ҳаётга татбиқ этишдир. Бу ўринда, айниқса ижтимоий тафаккурнинг, янгича дунёқараш ва муносабатларнинг шаклланишини, инсоннинг ўзига ва ўзгаларга таъсир этишнинг механизмларини ўрганиш энг долзарб масалалардандир.

Хўш, бугунги кунда ижтимоий психология фан сифатида ўз баҳс мавзусини ва предметини қайси объектларга қаратмоқда?

*Биринчидан*, унинг асосий йўналиши кичик гуруҳлар ва жамоалар психологиясини ўрганишдан иборатдир. Ҳар бир шахс ҳамиша маълум Ижтимоий гуруҳлар доирасида фаолият кўрсатади. Бу унинг оиласи, меҳнат жамоаси, кўча-куйдаги норасмий гуруҳдаги дўстлари давраси, ўқув жамоаси, синф, аудитория ва ҳоказо. Шахснинг яққа ва турли гуруҳлар доирасида ўзини тутиши, хулқ-атвори, мавқеи, унга ўзига хос гуруҳий таъсирлар, гуруҳдаги шахслараро мослик, лидерлик, гуруҳий тазйиққа берилувчанлик каби қатор ҳодисалар аслида ўша гуруҳларни бошқариш, соғлом ўзаро муносабатлар шароитини яратиш – бу одамларни самарали ўзаро мулоқотга ўргатишнинг заруриятидир. Бошқарув психологияси, мактаб жамоаси, саноат ва ишлаб чиқариш психологияси ана шундай гуруҳий жараёнларнинг қонун ва қоидаларини тадқиқ этиш туфайли ажралиб чиққан татбиқий соҳалардир.

*Иккинчидан*, шахснинг Ижтимоий психологик қиёфаси масаласи ҳам бугунги кундаги ўзгаришлар ва маънавий жиҳатдан покланиш даврида ўта

муҳим соҳадир. Зеро, ҳар бир шахснинг жамиятда рӯй бераётган туб ислоҳотларга муносабати, уларни идрок қилиш ва англаш даражаси, ўз-ўзига нисбатан муносабатининг табиати, хулқидаги Ижтимоий мотивлар ва йўналишлар катта аҳамиятга эгадир. Айниқса, боланинг вояга етиши жараёнида унинг Ижтимоийлашуви, яъни Ижтимоий муносабатлар муҳитига кириб бориши, Ижтимоий таъсирларни онгига сингдириши ва хулқини мустаҳкамланиши, мафкуравий дунёқарашининг шаклланиши жараёнларининг психологик табиатини текшириш шахсни жамиятда шакллантириш дастурини яратиш учун зарур. Лекин ҳар бир шахсда бу жараён ўзига хос тарзда рӯй бериши сабабли, Ижтимоий психологияда унинг Ижтимоий типлари фарқланади ва ҳар бир мураббий ёки тарбиячи уларни билиши амалий аҳамият касб этади.

Учинчидан, жамият миқёсида рӯё берадиган оммавий ҳодисалар ҳам ижтимоий психология учун татбиқий аҳамиятга эга. Чунки алоҳида шахс тарбиясида оммавий ҳодисаларнинг, катта гуруҳларнинг таъсирини инкор этиш – масалага бир ёқлама ёндашишга баробардир. Масалан, шахс учун у мансуб бўлган миллат, элат ёки халқнинг руҳияти, унинг онгидаги асрлар давомида сақланиб келаётган анъаналар, расм-русимлар, ақидалар, удумлар, фаолият стереотиплари кабилар ўз муайян таъсир кучига эга. Миллатнинг руҳи илк болаликдаёқ шахс онгига у ўзлаштирган миллий тил орқали сингиши маълум. Шу каби ва бошқа оммавий психологик жараёнларнинг шахс ижтимоий хулқ-атворида таъсирини ўрганувчи ижтимоий психология ва хусусий тармоғи бўлган этнопсихология ижтимоий психологик қонуниятларни билишда ва уларни бошқаришда катта амалий аҳамиятга эга. Қолаверса, ҳозирги глобаллашув жараёнлари кескин тус олган, оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоқлари орқали шахснинг кенг ахборот оқимида қўшилиши имконияти кенгайган бир шароитда унинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, чиниқтириш, ахборотларга нисбатан танловчан муносабатни тарбиялаш ўта муҳим ва мураккаб масалаки, уни самарали ечиш ҳам омма ва алоҳида олинган шахс психологиясини билишни, жамият ва шахс ўзаро муносабатларидаги нозик жиҳатларни ўрганишни талаб қилади.

Ижтимоий психология XX1 асрга келиб фанлар тизимида алоҳида ўринга эга бўлган соҳалардан бирига айланди. Чунки сир эмаски, инсоний муносабатлар, ҳар бир фаолият соҳасида шахслараро муносабат ўзига хос долзарблик касб этиб бормокда.

Ижтимоий психологиянинг фанлар оламида пайдо бўлиши тарихига назар ташлар эканмиз, унинг юқорида таъкидланганидек, социология ва психология фанлари оралиғида «туғилиши» жараёнининг ўзи бир нечта босқичларни ўз ичига олганлигини таъкидлаш жоиз:

1. Ижтимоий психологик билимларнинг фалсафа ва умумий психология доирасида тўпланиши (эрамиздан аввалги VI асрдан тортиб токи янги даврнинг XIX асригача бўлган вақта).

2. Ижтимоий ҳаёт сирларини фалсафа, социология ва умумий психология доирасида тушунтириш орқали мустақил фанга айланиш даври (XIX асрнинг 50-60 йилларидан то XX асрнинг 20-чи йилларигача).

3. Ижтимоий психологиянинг мустақил фан ва амалиёт йўналиши сифатида тўла шаклланиши даври (XX асрнинг 20-чи йилларидан бошлаб).

Ижтимоий психологиянинг предмети хусусида ҳам тарихан уч хил ёндашув мавжуд:

**Биринчи ёндашув**га кўра, Ижтимоий психология инсон психикасига оид оммавий ходисаларни ўрганади. Ушбу ёндашув доирасида айрим тадқиқотчилар синфлар психологиясини ўрганиш зарур деб тан олишса, бошқалар ҳар қандай Ижтимоий уюшма ёки гуруҳга оид қонуниятларни, уларнинг анъаналари, урф-одатларию, расм-русмларини ўрганиш долзарб эканлигини таъкидлаганлар. Яна бир гуруҳ тадқиқотчилар эса Ижтимоий психология кўпчиликка қарашли бўлган Ижтимоий фикрни ёки мода каби оммавийлашиб кетадиган жараёнлар сабабини ўрганишни лозим, деб топадиган. Уларнинг фикрини ривожлантириб, ушбу ёндашувга ҳайрихоҳ бўлган бошқа бир олимлар гуруҳи Ижтимоий психологиянинг предмети аслида жамоа психологиясини ўрганиш эканлигини ёқлайдилар. Бу ёндашувнинг умумий хулосаси шуки, Ижтимоий психология моҳиятан аслида жамоа психологиясидир.

**Иккинчи ёндашув** тарафдорларининг фикрида умумийлик шуки, уларнинг таъкидлашларича, Ижтимоий психология шахснинг Ижтимоий қиёфасини, психологиясини ўрганади. Турли олимлар фикрида ўзига хослик эса айнан шахснинг қайси сифатларига кўпроқ эътиборни қаратишда намоён бўлди. Кимдир шахснинг алоҳида Ижтимоий сифатларига урғу берса, бошқалар унинг типологиясини аҳамиятли предмет эканлигини таъкидлади. Бундан ташқари, шахснинг гуруҳдаги ўрни, шахслараро муносабатлар ва умуман муносабатлар тизими ушбу йўналиш тарафдорларининг диққат марказида бўлди.

**Учинчи ёндашув** – юқорида икки ёндашувнинг ўзига хос тарздаги уйғунлашуви шаклида намоён бўлди. Яъни, унга кўра, Ижтимоий психология оммага хос бўлган психологик ходисаларни ҳам, шахснинг гуруҳдаги мақомини ҳам бирдан ўрганиши лозим. Рус олими Б.Д. Парыгин турли ёндашувларга эътибор брган ҳолда Ижтимоий психология ўрганадиган энг муҳим масалаларни ягона андозада умумлаштирди. Яъни, унинг фикрича, Ижтимоий психология қуйидагиларни ўрганади:

- 1) шахснинг Ижтимоий психологияси;
- 2) жамоалар Ижтимоий психологияси ва мулоқоти;
- 3) Ижтимоий муносабатлар;
- 4) маънавий-ахлоқий фаолият шакллари.

Яна бир россиялик олим В.Н. Мясищевнинг ёзишича, ижтимоий психология:

а) одамларнинг гуруҳ шароитидаги ўзаро ҳамкорлиги таъсирида пайдо бўладиган психологик ўзгаришларни;

б) Ижтимоий гуруҳларнинг турли хусусиятларини;

в) жамиятда рўй берадиган жараёнларнинг психологик томонларини ўрганади.

Юқорида таклиф этилган барча ёндашув ва нуқтаи назарларни бирлаштирган ягона фикр эса шундай иборатки, Ижтимоий психология фан тармоғи сифатида психик фаолиятга икки томондан туриб ёндашади, яъни, бир томондан шахс бўлса, иккинчи томондан – жамият миёёсида рўй берадиган оммавий психик жараёнлардир. Охиргилари кўпгина манбаларда Ижтимоий психологик ходисалар деб номланади.

**Ижтимоий психологик ходисалар** – шундай феноменларки, улар индивидлар ҳамда жамоалар тарзидаги субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги туфайли пайдо бўладиган турли хил муносабатлар, шундай ҳамкорлик таъсирида бошдан кечириладиган ҳис-кечинмалар, ўзаро ахборот алмашинуви ҳамда одамларнинг гуруҳ бўлиб тўпланиши оқибатида рўй берадиган фаолиятларнинг хусусиятларини мужассам этади. Яъни, агар шахсни алоҳида индивид сифатда олинганда амалга оширадиган фаолиятдан фарқли ўлароқ, гуруҳ бўлиб ҳаракат қилгандаги рўй берадиган фаолиятнинг фарқли томонларини Ижтимоий психология содда қилиб айтганда ўзининг предмети сифатида танлайди.

Шундай қилиб, Ижтимоий психология ўрганадиган Ижтимоий психологик ходисаларга аввало қуйидагилар киради: мулоқот, муомала, Ижтимоий фикр ва кайфият, жамоавийлик, стратификация, яъни, жамиятнинг турли қатламларга бўлиниши жараёнлари, стереотиплар, зиддият, турмуш тарзи, Ижтимоий тасаввурлар, Ижтимоий установкалар ва шахснинг турли Ижтимоий вазиятларда намоён бўладиган фазилатлари (нуқсонлари) ва бошқалар.

Ижтимоий психологик ходисалар асосан мазмунан ва давомийлигига кўра тафовутланади. Масалан, мазмуний жиҳатдан улар нормал ва нормадан оғиш тарзидаги хулқ маромларига бўлинади.

Ижтимоий психологик ходисаларнинг нормал хулқ-атворга алоқадор шакллари одатда жамиятда, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида, инсонларнинг турмуш тарзидаги ижобий ўзгаришларда намоён бўлади. Нормал хулқдан оғиш билан боғлиқ бўлган хулқ-атвор эса айрим гуруҳлар фаолиятига хос бўлиб, унинг оқибатида одатда айрим шахснинг гуруҳларга (масалан, жиноятчининг жамият нормаларини бузиши) ёки гуруҳларнинг Ижтимоий-иқтисодий тараққиётга салбий таъсири (масалан, жиноий гуруҳ ёки экстремистик гуруҳларнинг Ижтимоий нормал ҳаётга тажовузи шаклида) намоён бўлади. Бу каби салбий ҳолатлар жамиятнинг туб асосларини ўзгартириб юбормайди, лекин айрим вазиятларда одамларнинг нормал кун кечириш, тинч осуда меҳнат қилишларига ҳалақит беради. Минг афсуски, энг олийжаноб шиорлар остида яшаётган демократик жамиятда ҳам айрим алоҳида шахс ва гуруҳлар тажрибасида ана шундай салбий оқибатли хулқ кўринишлари мавжуд бўлади. Бу ўз навбатида экстремал Ижтимоий психологиянинг келиб чиқишига асос бўлган.

Ижтимоий психологик ходисаларнинг келиб чиқиши нуқтаи назаридан қаралса, улар шахслараро, гуруҳий, гуруҳлараро, оммавий шаклларда намоён

бўлади.

Ушбу ходисалар барқарорлиги ва давомийлиги нуқтаи назаридан таҳлил этилса, уларни динамик (масалан, мулоқотнинг турли шаклларида), ўзгарувчан динамик (масалан, Ижтимоий тасаввур, фикр ва кайфиятнинг ўзгарувчанлиги) ва барқарор (масалан, урф-одатлар, қадриятлар, анъаналар каби) бўлиши мумкин.

Ижтимоий психология фан сифатида айнан ана шу ходисаларнинг пайдо бўлиши, кечиши ва ҳаётда намоён бўлиш механизмларини ўрганади. Зеро, бу ходисалар турли босқич ва даражаларда (макро-, мезо- ва микро- босқич ва даражаларда), турли соҳаларда (давлат, иқтисодиёт, жамият ва унинг бурли бўғинлари, оила, маҳалла, алоҳида шахс ҳаёти доирасида), турли шарт-шароитларда (нормал, табиий, мураккаб ва экстремал) намоён бўлади.

Ижтимоий психологик ходисалар намоён бўлишининг асосий механизми сифатида *мулоқот* жараёнини қабул қилиш кўпчилик олимларнинг нуқтаи назарига хосдир. Мулоқот туфайли ва унинг таъсирида шахс шаклланади, кичик гуруҳлар пайдо бўлади, катта Ижтимоий гуруҳларнинг мавжуд бўлиши учун шароит яратилади. Айнан мулоқот ва одамларнинг бир-бирларига муносабатлари асосида намоён бўладиган универсал механизмларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1) *тақлид қилиш* – бирор хулқ намунаси ёки турмуш тарзига эргашиш;
- 2) *ишонтириш* – бирор хулқ намунаси ёки фикрга ўзгаларни деярли онгсиз ва танқидсиз эргашишига эришиш;
- 3) *таъсирланиш* – бир шахс ҳиссий-эмоционал ҳолатининг ўзга бир шахсга узатилиши жараёни;
- 4) *эътиқод* – шахснинг онгига, имонига таъсир кўрсатиш;
- 5) *идентификация* – бир инсоннинг бошқасига ўхшатилиши, деярли кўшилиши жараёни.

Айнан шу механизмлар ижтимоий хулқ ва ўргатишнинг асосини ташкил этади.

Буюк мутафаккирларимиз асарларида ҳам қадимий Шарқ халқлари жамоа бўлиб яшашига, ўзаро муносабатларда шахснинг одоб-ахлоқига, лидерлик муаммоларига алоҳида эътибор берилган. Бу эса ижтимоий психология ғоялари, жумладан, ижтимоий муносабатлар ҳақидаги билимлар фақат Европада пайдо бўлмаганлигини кўрсатади.

Абу Наср Форобий (870-950) инсон ҳаётида шахслараро муносабатлар ўрнини алоҳида таъкидлар экан, у одамларни ўзаро дўст-иноқ, ҳамжиҳат, қон-қардош бўлиб ҳаёт кечиришга, бирини иккинчисига мурувват қўлини узатишга, меҳр-оқибат кўрсатишга даъват этган. Аллома ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида “ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эришиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Шу сабабли, яшаш учун зарур бўлган нарсаларни бир-бирига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз

табиати бўйича интиланган етукликка эришиши мумкин”, деган улкан фалсафий, умумбашарий ғояни илгари сурди.

Муҳаммад ибн Аҳмад Ал-Берунийнинг (973-1048) “Китоб ал-жавоҳир фи маърифат ал-жавоҳир”(“Минералогия”), “Ҳиндистон”, “Ал асорул боқия анил-қурун ил-ҳолия”(“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) асарларида жамият ва инсон, унинг камолоти, ақл-идроқи қабилаарга оид ғоят қимматли фикр-мулоҳазалар мавжуддир. Олим ўз асарларида инсон ўз моҳиятига кўра ижтимоий мавжудот эканлигини, у фақат бошқа кишилар билан биргаликда яшай олиши мумкинлигини таъкидлайди. Унинг ёзишича, кишилар ўз эҳтиёжларининг кўплиги, душмандан сақланиши зарурлиги сабабли, бир-бирларини қўллаб-қувватлаш, бажарган ишлари орқали ўзларини ҳам, бошқаларни ҳам таъминлаш мақсадида уруғ-аймоқлари билан жамоаларга бирлашган. Жамиятнинг юзага келиши ва ривожланиши, инсоннинг маънавий-ахлоқий қиёфасининг шаклланиши кишиларнинг ҳамкорликда фаолият юритиш заруратидан келиб чиққанлиги, Беруний таълимотида тез-тез эслатилади. У жамиятнинг равнақ топишида кишиларнинг ўзаро ёрдам, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий алоқа ва муносабатлар асосида биргаликда ҳаракат қилиши сингари муҳим омиллар ётишини ўрта асрдаёқ исботлаб берган эди.

Дунёда кенг шуҳрат қозонган олим Абу Али Ибн Сино (980-1037) “Донишнома”(Билим китоби”), “Рисолаи ишқи”, “Ахлоқ ҳақидаги рисола”, “Уй хўжалиги”, “Аҳд рисоласи” қаби қатор асарларида инсон ижтимоий мавжудот, у табиий-ижтимоий муҳитсиз, ўзаро ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий-ахлоқий муносабатларсиз яшамаган ва яшай олмайди, деб ҳисоблайди. У бундай ўзаро муносабатларда ахлоқий тарбиянинг роли муҳим эканлигини кўрсатиб ўтади.

XI асрнинг буюк мутафаккири Юсуф Хос Ҳожиб қаламига мансуб - “Қутадғу билиг” (“Саодатга бошловчи билим”) асарида илм-маърифат, одоб-ахлоқ, давлатни бошқариш йўл-йўриқлари, оила ва оилавий муносабатлар ҳақидаги кенг қамровли қарашлар ва таълимотлар ўз аксини топган. Асарда инсоннинг ижтимоий моҳияти, ҳислат ва фазилатлари, кадр-қиммати, одоб-ахлоқи, маданияти-маърифати таҳлил қилинган, катталарни ҳурмат қилиш кичикларнинг бурчи эканлигини, ўз навбатида катталар ҳам кичикларни эъзозлаши инсоний бурч, кадр-қиммат белгисидир, деб келтирилган.

Миллий маънавиятимиз даҳоси Алишер Навоий (1441-1501) асарларида инсоннинг хулқ-атвори, дунёқараши, одоб-ахлоқи, маданий-маънавий қиёфаси ижтимоий муҳитга, уни ўраб турган инсонларга боғлиқ эканлиги таъкидланган. Унинг фикрича, инсон ижтимоий муҳит маҳсули сифатида шаклланиб, камолга эришиб боради. Алломанинг ўғитлари кечаги ва ҳозирги кун қаби келажакда ҳам баркамол авлод шаклланишида ўзининг таълим-тарбиявий аҳамиятини йўқотмайди.

Умуман олганда, ижтимоий психология фан тармоғи сифатида ҳам назарий ҳам амалий аҳамият касб этадики, ўзгарувчан ҳозирги XXI асрда унинг аҳамияти ва ўрни бекиёсдир. Айниқса, мафкуравий ва ғоявий курашлар авж олган ҳозирги даврда инсон ижтимоий хулқини бошқариш

долзарблик касб этганлигини инобатга олсак, унинг жамият барқарорлигидаги унинг сиёсий, ижтимоий ва мафкуравий роли янада юксалади. Шу боис ҳам ҳозирда унинг тадбиқий, амалий кўринишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки тадбиқий ижтимоий психология ижтимоий психологик ходисаларни психодиагностика, амалий маслаҳатлар бериш ва янги психотехнологияларни Ижтимоий ҳаёт мезонлари ва талаблари доирасида ўрганадиган ҳамда ижтимоий психологик тренинглар, группавий психотерапия, ролли ва иш ўйинлари каби янги усулларда ижтимоий хулқни ўзгартиришга қодир бўлган илмий-амалий йўналишдир. Бу йўналиш ва амалиёт охириги йилларда Ўзбекистонда ҳам тобора ривожланиб ҳаётга кириб бормоқда.

Ҳар бир алоҳида фанда бўлгани сингари ижтимоий психологиянинг ўз методлари ва уларни қўллаш воситалари мавжуд.

Ижтимоий психологияда қўлланиладиган **кузатиш** методининг асосан уч шакли мавжуд:

а) **“қўшилиб кузатиш”** – бунда тадқиқотчи кузатилувчилар фаолиятига бевосита аралашиб, улар билан керак бўлса, яшайди ва ишлайди. Бу усулдаги энг муҳим хусусият унинг табиийлиги бўлиб, кузатиш объектлари ўзларининг кузатилаётганликларини сезмайдилар ва кузатувчини гуруҳнинг аъзоси сифатида қабул қиладилар. Ушбу шартнинг бузилиши экспериментнинг самарасиз бўлишига олиб келиши мумкин.

б) **“ташқи кузатиш”** – кузатилувчилар фаолиятига аралашмаган ҳолда улар ташқи хулқ-атворини қайд қилишдир. Бу усул муайян вақт ва сабр-тоқат талаб қилиши билан бошқа методлардан фарқ қилади, баъзида қисқа муддат ичида тадқиқотчи ўзини қизиқтираётган предмет хусусида ҳеч нарса қайд қила олмаслиги ёки тасодифан қўлга киритилган маълумот асосида хулоса чиқаришга мажбур бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу усул бошқа усулларга қўшимча восита сифатида ишлатилади. Масалан, кузатувчи ролида ўқитувчи бўладиган бўлса, у сифндаги етакчилар ёки гуруҳ фаолиятига қўшила олмаётган, доимо бегонасирайдиган болаларнинг хулқ-атворини ташқи кузатиш орқали муттасил ўрганиб боради.

в) **“муҳим вазиятларни қайд этиш” усули**да кузатишнинг моҳияти шундаки, алоҳида шахс ёки гуруҳ кутилмаган, тасодифий вазиятга солинади, ва уларнинг вазиятга муносабати, ўзини тутиши, зиддиятли ва қийин ҳолатлардан чиқиш йўллари кузатилади. Масалан, гуруҳни атайлаб олдиндан тузилган сценарий ёрдамида мунозарали вазиятга солиш ва унда ҳар бир гуруҳ аъзосини ўзини қандай тутиши ва баён этган фикрларини зикр этиш бунга ёрқин мисолдир.

**Ҳужжатларни таҳлил қилиш** усули социологиядан кириб келгандир. Бу усул ижтимоий фаолиятнинг маҳсулини ўрганишга қаратилган бўлиб, тўпланган маълумотларнинг ишончилиги, математика ва статистика услублари ёрдамида қайта ишлаш имкониятининг мавжудлиги сабабли маълум афзалликларга эга.

**Сўров методлари** ижтимоий психологик тадқиқотларда кенг қўлланилади, айниқса, анкета сўрови ва интервью шулар жумласидандир. Бу

методларни қўллашда қатор методологик қийинчиликлар вужудга келади, биринчидан, доим шахслараро муносабатлар, ўзаро таъсир шакллари мавжуд, иккинчидан, тадқиқотчининг субъектив муносабатларини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Тадқиқот мобайнида шахслараро идрок қилиш ва субъектив бир-бирини тушунишга қаратилган барча қонуниятлар ишлайди. Шунга қарамай, жуда кўп ижтимоий психологик маълумотларни тўплашда сўров методлари энг қулай усуллар сифатида ишлатиб келинмоқда.

**Интервью ўтказиш** учун одам махсус равишда тайёргарлик кўриши керак, чунки у тадқиқотчидан қатор муҳим шахс сифатларининг бўлишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам ижтимоий психологияда “ролли ўйинлар” методи ёрдамида психолог ёки социолог махсус тайёргарлик курсидан ўтади, турли вазиятларда турли тоифали иноснлар билан интервью ўтказиш орқали, ўз малакасини оширади.

**Анкета методи** ҳаммага таниш бўлган усуллардан бири. Лекин кўпинча анкетани ўтказган одам унинг тузилиши қанчалик қийинлигини ёки олинган маълумотларни қайта ишлаш, уларни тўғри шарҳлаш нақадар мушкул эканлигини тасаввур қилмайди. Анкетага киритилган саволлар маълумотига кўра *анкета очик ва ёпиқ* турларга бўлинади. Очик анкета респондентдан ўз фикрини эркин баён этишни талаб қилади, ёпиқ шаклдаги анкета саволларининг эса жавоблари олдиндан берилган бўлиб, текширилувчи ўзига маъқул бўлган, ўзининг қарашлари, фикрлари билан мос келган жавобни белгилаб беради.

**Ижтимоий психологик тестлар.** Тестлар психологиянинг махсус усулидир. Улар қисқа синов усули бўлиб, у ёки бу ижтимоий психологик ҳодиса қисқа муддат ичида бир техник восита сифатида унинг ёрдамида текширилади.

Ижтимоий психологик эксперимент – бу ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш мақсадида текширувчи билан текширилувчи ўртасидаги мақсадга йўналтирилган мулоқотдир.

**Проектив методлар.** Улар тест усулларнинг бир кўриниши ҳисобланиб, уларда текширилувчига аниқ тизимга ёки кўринишга эга бўлмаган ноаниқ нарсалар тавсия этилади ва уларни шарҳлаш топшириғи берилади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Ижтимоий психологияфанинг предметига таъриф беринг.
2. Ижтимоий психологиянинг предметига уч нуктаи-назар қандай?
3. Ижтимоий психологик ҳодисалар ҳақида нималар биласиз?
4. Ижтимоий психология қанай фанлар билан бевосита боғлиқ?
5. “Ижтимоий хатти-ҳаракат инстинкти” назарияси асосчиси ким?
6. Ижтимоий психологиянинг тадқиқот методлари қандай?

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Myers D.G. Social psychology. 11 edition. – McGraw-Hill Education, 2012.
2. Андреева Г. М. Социальная психология. Учеб. пособие. – М., 2008.
3. Ғозиев Э. Ғ. Социал психология. – Тошкент., 2010.
4. Введение в практическую социальную психологию/ Под ред. Ю.Жукова, Л.Петровской, О.Соловьевой. – М., 1996.
5. Шибутани Т. Социальная психология. Ростов н/Дону, 1998.
6. Шихирев П.Н. Современная социальная психология. М., 1999.
7. Парыгин В.Д. Основы социально-психологической теории. М. 2001.
8. Петровский А.В. Социальная психология. -М., 2003.
9. Майерс Д. Социальная психология. -М., 2010.
10. Крыско В.Г. Социальная психология. М.: ЭКСМО,- 2010 г

## 2-мавзу: Гуруҳлар ва жамоалар муаммоси

Режа:

1. Гуруҳ тушунчаси. Гуруҳлар турлари.
2. Жамоада ўзаро муносабатлар.
3. Жамоада турли мавқедаги шахслар.
4. Жамоага психик таъсир ва ўзаро таъсир.
5. Жамоада социал психологик муҳит.

**Таянч иборалар:** гуруҳ, жамоа, субординация, расмий гуруҳ, норасмий гуруҳ, лидер, норасмий лидер, гуруҳ нормаси, идентификация, конформизм, неконформизм, ўзаро мослик, психологик муҳит.

Ҳар бир шахс ўз фаолиятини турли гуруҳлар шароитида ёки турли гуруҳлар таъсирида амалга оширади. Чунки жамиятдан четда қолган ёки инсонлар гуруҳига умуман қўшилмайдиган индивиднинг ўзи йўқ, инсон жамиятда яшар экан, у доимо турли ўзига ўхшаш шахслар билан мулоқотда, ўзаро таъсирда бўлади, бу мулоқот жараёнлари эса доимо кишилар гуруҳида бўлиб беради. Шунинг учун ҳам гуруҳлар муаммоси, уни ўрганиш ва гуруҳларнинг шаклланишига оид илмий хулосалар чиқариш ижтимоий психологиянинг асосий мавзуларидан ва муаммоларидан биридир.

Психологик маънода **гуруҳ – бу умумий белгилар, умумий фаолият, мулоқот ҳамда умумий мақсад асосида бирлашган кишилар уюшмасидир.** Демак, одамлар гуруҳи ташкил топиши учун албатта қандайдир умумий мақсад ёки тилаклар, умумий белгилар бўлиши шарт. Масалан, талабалар гуруҳи учун умумий нарсалар кўп: ўқув фаолияти, билим олиш, ёшларга хос бирликлар (ўспирин ёшлар), маълум ўқув юртида таълим олиш истаги ва ҳоказо. Кўчада бирор тасодиф бўлиб берганлиги учун тўпланган кишилар учун ҳам умумий бўлган нарса бор – бу қизиқувчанлик бўлиб ўтган ҳодисага гувоҳлик, унга умумий муносабатдир.

Гуруҳни алоҳида шахслар ташкил этади, лекин ҳар бир гуруҳ психологияси уни ташкил этувчи алоҳида шахслар психологиясидан фарқ

килади ва ўзига хос қонуниятларига бўйсунди. Айни шу қонуниятларни билиш эса турли типли гуруҳларги бошқариш ва ана шу гуруҳларни ташкил этувчиларни тарбиялашнинг асосий мезонидир.

Гуруҳларнинг турлари кўп, шунинг учун ҳам уларни турли олимлар турлича классификация қиладилар. Бизнинг назаримизда, Г.М.Андрееванинг “Ижтимоий психология” дарслигидаги классификация гуруҳларнинг асосий турларини ўз ичига қамраб олган. У ҳар қандай кишилар гуруҳини аввало *шартли ва реал гуруҳларга* бўлади. Реал гуруҳлар аниқ тадқиқот мақсадларда тўпланган лаборатория типдаги ҳамда табиий гуруҳларга бўлинади. Конкрет фаолият ва одамларнинг эҳтиёжлари асосида ташкил бўладиган бундай табиий гуруҳларнинг ўзи кишиларнинг сонига қараб *катта, кичик гуруҳларга* бўлинади. Катта гуруҳлар уни ташкил этувчиларнинг мақсадлари, фазовий жойлашишлари, психологик хусусиятларига қараб уюшган ва уюшмаган турларга, кичиклари эса ўз навбатида энди шаклланаётган – диффуз ҳамда тараққиётнинг юксак поғонасига кўтарила олган жамоа турларига бўлинади. Гуруҳларнинг ижтимоий психология учун айниқса муҳим ҳисобланган турларига таъриф бериш ва уларнинг психологик қонуниятларини ўрганишни мақсад қилиб қўйган ҳолда, бевосита катта гуруҳларнинг ижтимоий психологик қонуниятларини ўрганишга ўтамиз.

***Катта гуруҳлар психологиясига хос хусусиятлар ва уларни илмий тадқиқ қилиш принциплари.*** Катта гуруҳлар кишиларнинг шундай бирлашмаларики, ундаги одамлар сони аввало кўпчилиكنи ташкил этиб, маълум синфий, илмий, ирқий, профессионал белгилар уларнинг шу гуруҳга мансублигини таъминлайди. Катта гуруҳларни ташкил этувчилар кўп сонли бўлганлиги ва улар хулқ-атворини белгиловчи механизмларининг ўзига хослиги туфайли бўлса керак, ижтимоий психологияда олимлар кўпинча кичик гуруҳларда иш олиб боришни афзал кўрадилар. Лекин катта кишилар уюшмасининг психологиясини билиш жуда катта тарбиявий ва сиёсий-мафкуравий аҳамиятга эга. Бу соҳадаги тадқиқотларнинг камлиги бир томондан, айтиб ўтилганидек, кўпчилиكنи қамраб олишдаги қийинчиликлар бўлса, иккинчи томондан, катта гуруҳлар психологиясини ўрганишга қаратилган методик ишлар заҳирасининг камлигидир, яъни, катта гуруҳларнинг психологиясини ўрганишга мўлжалланган махсус методикалар кам ишлаб чиқилган. Масалан, ишчилар ёки зиёлилар синфи психологияси ўрганилиши керак, дейлик. Аввало ўша ишчиларнинг сони кўп, қолаверса, ишчиларнинг ўзи турли ишлаб чиқариш шароитларида ишлаётган, турли иқлим шароитларида яшаётган турли миллатга мансуб кишилардир. Уларнинг барчасини қамраб оладиган ягона ишончли методикани топиш масаласи тадқиқотчи олдида жуда жиддий муаммоларни қўяди. Шунинг учун ҳам ҳар бир катта гуруҳга тааллуқли бўлган асосий, етакчи сифатни топиш ва шу асосда унинг психологиясини ўрганиш ҳозирча ижтимоий психологиядаги асосий методологик йўлланма бўлиб келмоқда. Қолаверса, катта гуруҳлар жамиятнинг тарихий тараққиёти мобайнида шаклланган гуруҳлар бўлгани учун ҳам ҳар қандай гуруҳни ўрганишдан олдин, ҳоҳ бу синфлар бўлсин, ҳоҳ миллатлар ёки халқлар психологияси бўлсин, унинг

ҳаёт тарзи, унга хос бўлган одатлар, удумлар, анъаналар ўрганилади.

Ижтимоий психологик маънода, *ҳаёт тарзини ўрганиш* деганда, у ёки бу гуруҳга тааллуқли бўлган кишилар ўртасида амалга ошириладиган мулоқот типлари, ўзаро муносабатларда устун бўлган психологик омиллар, кизиқишлар, қадриятлар, эҳтиёжлар ва бошқалар назарда тутилади. Ана шуларнинг умумийлиги туфайли ҳар бир шахсда, яъни у ёки бу катта гуруҳга мансуб бўлган шахсда типик хислатлар шаклланади. Масалан, 90-йиллар ёшларига хос бўлган типик сифатлар ана шу ёшлар ўртасида кенг тарқалган урф-одатлар, мода, сўзлашиш хусусиятлари, қадриятлар, қизиқишлар ва ҳоказолар туфайли шаклланади. Шунинг учун ҳам 20 ёшли кишининг психологиясини тўлиқ равишда ўрганиш учун ундаги билиш жараёнларининг ўзига хослиги, шахси, характери ва бошқа индивидуал психологик хусусиятларидан ташқари, яна унга ўхшаш ёшларда устун бўлган психологик хислатларнинг қанчалик намоён бўлишини, у мансуб бўлган ва асосан вақтини ўтказадиган гуруҳлар психологиясини, миллий сифатларини ҳам назарда тутиш ва уларни ўрганиш зарур. Бу дегани, ҳар бир шахс онгида унинг якка, алоҳида орттирган шахсий тажрибасига алоқадор психологик тизимлардан ташқари, унинг қайси миллат, элат синфга мансублигига алоқадор психологик хусусиятлар ҳам мавжуддир ва уни илмий тадқиқотчи инкор этмаслиги керак.

Кичик гуруҳлар муаммоси ижтимоий психологияда энг яхши ишланган ва кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилган объектлардандир. Бу анъана Америкада асримиз бошида ўтказилган кўплаб экспериментал тадқиқотлардан бошланган бўлиб, уларда олимлар олдида қўйилган асосий муаммо шу эдики, индивид якка ҳолда яхши ишлайдими ёки гуруҳда яхшироқ самара берадими, бошқа одамларнинг ёнида бўлиши унинг фаолиятига қандай таъсир кўрсатади каби саволларга аниқ илмий асосланган жавоб топиш заруратидир. Шунини таъкидлаш лозимки, бундай шароитларда индивидларнинг ўзаро ҳамкорлиги (*интеракция*) эмас, балки уларнинг бир вақтда бир ерда бирга бўлганлиги фактининг (*коакция*) таъсири ўрганилди. Олинган маълумотлар шунини кўрсатадики, бошқалар билан ҳамкорликда бўлган индивид фаолиятининг тезлиги ошади, лекин ҳаракатлар сифати анча пасайиши аниқланди. Бундай маълумотлар америкалик Н.Трипплетт, немис олими А.Майёр, рус олими В.М.Бехтерев, яна бир немис олими В.Мёде ва бошқаларнинг тадқиқотларида ҳам қайд этилди. Бу психологик ҳодиса ижтимоий психологияда ***ижтимоий фацилитация*** номини олди, унинг моҳияти шундан иборат эдики, индивиднинг фаолият маҳсуллари унинг ёнида бўлган бошқа индивидларнинг бевосита таъсири бўлиб, бу таъсир аввало сенсор кучайишлар ҳамда иш-ҳаракатларнинг, фикрлашларнинг тезлигида намоён бўлади. Лекин айрим экспериментларда тесқари эффект ҳам кузатилди, яъни, бошқалар таъсирида индивид реакцияларидаги тормозланиш фаолиятининг сусайиши ҳолатлари кузатилди. Бу ҳодиса фанда ***ингибиция*** номини олди. Лекин олинган фактларнинг қандайлигидан қатъи назар, олимлар учун кичик гуруҳлар асосий тадқиқот мавзусига айланиб қолди ва улар натижасида қатор қонуниятлар очилди.

Биринчидан, кичик гуруҳларнинг **ҳажми**, уни ташкил этувчи шахслар сони хусусида шундай фикрга келиндик, кичик гуруҳ “диада” икки кишидан тортиб, то мактаб шароитида 30-40 кишигача деб қабул қилинди. Икки кишилиқ гуруҳ дейилганда, аввало оила – янги шаклланган оила кўпроқ назарда тутилади. Лекин самарали ўзаро таъсир назарда тутилганда “плюс-минус 7 – 2” киши назарда тутилади. Бундай гуруҳ турли ижтимоий психологик тадқиқотлар учун ҳам, социал психологик тренинглар ўтказиш учун ҳам қулай ҳисобланади.

Иккинчидан, гуруҳнинг **ўлчами** қанчалик катта бўлса, унинг алоҳида олинган шахслар учун кадрсизланиб бориш хавфи кучаяди. Яъни, шахснинг кўпчилиқдан иборат гуруҳдан ўзини тортиш ва унинг нормаларини бузишга мойиллиги ортиб боради.

Учинчидан, гуруҳнинг ҳажми кичиклашиб борган сари шахслараро *ўзаро муносабатлар таранглашиб* боради. Чунки, шахсларнинг бир-бирлари олдида масъулиятларининг ошиши ва яқиндан билишлари уларнинг ўртасидаги алоқаларда доимо аниқлик бўлишини талаб қилади. Муносабатлардаги ҳар қандай дисбаланслар очик ҳолдаги зиддиятларни келтириб чиқаради.

Тўртинчидан, агар гуруҳ аъзоларининг сони **тоқ** бўлса, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жуфт бўлган ҳолдагидан анча яхши бўлади. Шундан бўлса керак, бошқарув психологиясида одамларни бирор лавозимларга сайлашда, сайлов компанияларида номзодларни электоратга тақдим этишда ва умуман расмий танловларда гуруҳдаги одамлар сони тоқ қилиб олинади.

Бешинчидан, шахснинг **гуруҳ тазйиқи**га берилиши ва бўйсунлиши ҳам гуруҳ аъзоларининг сонига боғлиқ. Гуруҳ сони 4-5 киши бўлгунга қадар, унинг таъсири кучайиб боради, лекин ундан ортиб кетгач, таъсирчанлиқ камайиб боради. Масалан, кўчада содир бўлган бахтсиз ҳодисанинг гувоҳлари сони ортиб борган сари, жабрланганга ёрдам беришга интилиш, масъулият ҳисси пасайиб боради.

Бу қонуниятларни билиш, табиий гуруҳларни бошқариш ишини анча енгиллаштиради. Бу қонуниятлар айниқса, мактаб педагоглари ва мураббийлар учун аҳамиятли ҳисобланади. Чунки улар аслида таълим-тарбия жараёнида муайян кичик гуруҳларни ташкил этувчиларни тарбиялайдилар, бунинг учун эса улар мансуб бўлган гуруҳ фаолиятини бошқариш, гуруҳ орқали айрим-алоҳида шахсни тарбиялашни зиммаларига оладилар.

Тарихан кичик гуруҳларни **расмий ва норасмий** турларга бўлиш қабул қилинган. Бундай бўлинишни америкалик олим Э.Мэйо таклиф этган эди. Унинг фикрича, **расмий гуруҳ** ҳар бир аъзоларнинг расмий ролларга эга эканлиги, улар мавқеининг ва гуруҳда тутган ўрнининг аниқлиги билан характерланади. Бундай гуруҳларда муносабатлар асосан “вертикал” тарзда рўй бериб, гуруҳнинг бир ёки бир неча аъзосида “ҳокимият” бўлганлиги учун ҳам, улар бошқаларни бошқариш, уларга буйруқ, расмий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўладилар. Расмий гуруҳга мисол қилиб ҳар қандай биргаликдаги фаолият мақсадлари асосида шаклланган жамоаларни – ишлаб

чиқариш бригадаси, талабалар гуруҳи, синф ўқувчилари, педагогик жамоа ва бошқаларни олиш мумкин.

Расмий гуруҳлардан фарқли ўлароқ *норасмий гуруҳлар* ҳам мавжуд бўладики, улар асосан стихияли тарзда, аниқ мақсадсиз таркиб топади ва уларда аъзоларнинг аниқ мавқелари, роллари олдиндан белгиланган бўлмайди. Кўпинча норасмий гуруҳ расмий гуруҳ таркибида ташкил топади ва уларни бошқариш ҳам олдиндан белгиланган бўлмай, одамлар ичидан у ёки бу шахсий сифатлари туфайли ажралиб чиққан аъзолар норасмий раҳбарлик ролини бажаришлари мумкин.

Бундан ташқари, ижтимоий психологияда *референт гуруҳ* тушунчаси ҳам бор. Бу тушунча фанга биринчи марта америкалик тадқиқотчи Г.Хаймен томонидан 1942 йилда киритилган эди. У ўз тадқиқотларида шуни исбот қилдики, маълум бўлишича, гуруҳ аъзолари учун шу гуруҳ ичида ёки бошқа доираларда шундай шахслар гуруҳи мавжуд бўлар эканки, у ўз хатти-ҳаракатлари, фикрлари ва йўналишларида ўша гуруҳ аъзоларига эргашиш, уларни танқидсиз қабул қилишга мойил ҳамда тайёр бўлар экан. Шундай шахслар гуруҳи референт гуруҳ номини олди. Ўқувчи учун бундай гуруҳ ролини мактабдаги бир неча ўқитувчилар, отаси ёки онаси, яқин дўсти ёки қариндошларидан кимдир ўйнаши мумкин. Шуниси характерлики, шахс доимо шу гуруҳга эргашади, уни қадрлайди, у билан мулоқотда бўлишга интилади. Рус психологлари бу гуруҳни одатда шахс учун мавжуд ҳақиқий гуруҳ (аъзолик гуруҳи) таркибида ёки унга қарши бўлган гуруҳ сифатида қарайдилар. Нима бўлганда ҳам ана шундай гуруҳнинг мавжудлиги шахс учун аҳамиятли бўлиб, унинг хулқ-атвори учун эталон ҳисобланади. Тадқиқотчи ёки тарбиячининг вазифаси, ана шу гуруҳни аниқлай олиш ва аниқлагандан сўнг нима учун айнан шу гуруҳ референт ролини ўйнаганини билиш муҳимдир. Референт гуруҳга қараб шахсга баҳо бериш, унинг хулқ-атворини башорат қилиш мумкин.

Маълумки, гуруҳда тўпланган кишилар ўртасида доимий мулоқот ва муносабатлар мавжуд бўладики, уларнинг мазмуни ва йўналишига кўра, ўзига хос социал психологик муҳит шаклланади. Бу муҳит гуруҳнинг тараққиётини ҳам, ундаги турли жараёнларни ҳам белгилайди. Гуруҳнинг *динамик жараёнлари* деганда аввало унинг шаклланиш жараёни, лидерлик ва гуруҳда турли қарорларни қабул қилиш жараёни, гуруҳнинг ҳар бир шахсга таъсири кабилар тушунилади.

Гуруҳнинг шаклланиши, унинг пайдо бўлиши ҳақида гапириладиган бўлса, аввало шуни таъкидлаш лозимки, гуруҳ жамият эҳтиёжлари ва ижтимоий талаблар асосида пайдо бўлади. Масалан, синф жамоаси доимо болаларнинг туғилиши, ривожланиши ва уларнинг мактабларда таълим олишлари кераклиги учун, талабалар гуруҳи ҳам шунга ўхшаш олий маълумотли шахслар керак бўлганлиги учун пайдо бўлади ва ҳақозо. Лекин бу масаланинг ижтимоий томони. Уни соф психологик томони ҳам борки, у одамларнинг нима учун жамоаларда ишлаши, одамлар ичида бўлиши билан боғлиқ. Чунки ҳар бир нормал инсонда мулоқотга бўлган эҳтиёж ҳамда турли

ҳаётий вазиятларда ўзини ижтимоий ҳимояда сезиш эҳтиёжи борки, бу нарса турли кичик жамоаларда уларнинг бўлиниши тақозо қилади. Лекин гуруҳга аъзо бўлиш билан биргаликда ҳар бир индивид қатор гуруҳий жараёнларнинг гувоҳи бўлади.

Биринчидан, гуруҳ ўз аъзоларига маълум тарзда *психологик таъсир* кўрсатади. Бу ҳодиса психологияда **конформизм** деб аталади ( ўзбек тилида “мосланиш” маъносини билдиради). Бу ҳодисанинг моҳияти шундан иборатки, у индивиднинг гуруҳда қабул қилинадиган нормалар, фикрлар, ҳулқ-атвор стандартларини қанчалик қабул қилиш ёки қабул қилмаслиги билан боғлиқ. Гуруҳ фикрини қанчалик тез қабул қилиш, унинг таъсирига берилиш индивид билан гуруҳнинг зиддиятларини олдини олиши мумкин. Шунинг учун ҳам индивид ана шундай ҳатти-ҳаракат қилишга интилади. Лекин ана шундай гуруҳ фикрига, ҳаракатига қўшилиш турли шаклларда бўлиши мумкин: **ташқи конформлилик** - индивид гуруҳ фикрига номигагина қўшилади, аслида руҳан у гуруҳда қарши туради: **ички конформлилик** – индивид гуруҳ фикрига тўлиғича қўшилади ва руҳан қабул қилади. Ана шундай ҳолларда индивид билан бошқалар ўртасида зиддият ёки конфликтлар пайдо бўлмайди. Бу ўринда яна бир тушунча ҳам бор, у ҳам бўлса **“негативизм”** тушунчасидир, бу индивиднинг ҳар қандай шароитда ҳам гуруҳ фикрига қарши туриши ва ўзича мустақил фикр, мавқени намоён қилишидир. Бу табиий индивид учун ноқулай, лекин мустақил фикр, одил ҳаракатлар доимо ҳурмат қилинадиган жамоаларда негативизм ҳодисаси ёмон иллат сифатида қабул қилинмайди.

Гуруҳлардаги яна бир жараён - бу гуруҳнинг **уюшқоқлиги** муаммосидир. Гуруҳ аъзоларининг бир-бирларини яхши билишлари, бир-бирларининг дунёқарашлири, ҳаётий принциплари, қадриятларини яхши тасаввур қилишлари бундай уюшқоқликнинг биринчи омилидир. Иккинчи асосий омил - бу ўша гуруҳни бирлаштириб турган фаолият мақсадларини, унинг йўналиши ва мазмунини билишдаги ғоявий бирликдир. Умуман, экспериментал тадқиқотларда қайд этилган гуруҳга оид фикрлардаги умумий уюшқоқликка ижобий замин ҳисобланади.

Гуруҳлардаги лидерлик ва умумий қарорларга келиш ҳам динамик жараёнларга киради.

Жамоанинг шаклланиши қуйидаги босқичлардан иборат.

1. Мослашиш (адаптация) босқичи. Гуруҳ аъзолари бир-бирларини ўрганадилар. Ҳар бир аъзо ўзининг ижобий томонларини кўрсатишга интилади. Салбий томонларини эса яширади. Гуруҳнинг аъзолари орасида ўз ўрнини излаш бошланади.

2. Келишмовчиликлар юзага келиш босқичи. Гуруҳ аъзолари бир-бирларини етарли ўрганадилар. Гуруҳда ўрин ва мавқеи учун кураш бошланади.

3. Ҳамжиҳатлик босқичи. Гуруҳ аъзолари орасида аста-секинлик билан келишув-муроса пайдо бўлади. Чунки, бу даврга келиб ким нимага қодирлиги аён бўлиб қолади.

4. Кооперация (ёки кооператив) босқич. Жамоа аъзолари ҳиссий яқинлашиши кучаяди. Баъзи ҳолларда ўз жамоаси бошқа жамоалардан юқори кўйишга интилиш («жамоавий эгоизм») кузатилади.

Ривожланишнинг юқори даражасига етган жамоа аъзолари орасида ўзаро ёрдам бериш, яхши ва ёмон кунларда биргаликда бўлиш каби сифатлар шаклланади.

Жамоа аъзолари орасида ўзаро ҳурмат, ёрдам, ишонч, бир-бирини тушиниш жамоада ижобий психологик муҳитни таъминлайди.

**Мулоқот** – одамларнинг биргаликдаги фаолиятлари эҳтиёжларидан келиб чиқадиган турли фаолликлари мобайнида бир-бирлари билан ўзаро муносабатларга киришиш жараёнидир. Яъни, ҳар бир шахснинг жамиятда адо этадиган ишлари (меҳнат, ўқиш, ўйин, ижод қилиш ва бошқалар) ўзаро муносабат ва ўзаро таъсир шаклларини ўз ичига олади. Чунки ҳар қандай иш одамларнинг бир-бирлари билан тил топишишини, бир-бирларига турли хил маълумотларни узатишни, фикрлар алмашинуви каби мураккаб ҳамкорликни талаб қилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир шахснинг жамиятда тутган ўрни, ишларининг муваффақияти, ортирган обрўси унинг мулоқотга кириша олиш қобилияти билан бевосита боғлиқдир.

Бир қарашда осонга ўхшаган шахслараро мулоқат жараёни аслида жуда мураккаб бўлиб, унга одам ҳаёти мобайнида ўрганиб боради. Мулоқотнинг психологик жиҳатдан мураккаб эканлиги ҳақида Б.Ф.Паригин шундай ёзади: “Мулоқот шунчалик кўп қиррали жараёнки, унга бир вақтнинг ўзида қуйидагилар киради:

- а) индивидларнинг ўзаро таъсир жараёни;
- б) индивидлар ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёни;
- в) бир шахснинг бошқа шахсга муносабати жараёни;
- г) бир кишининг бошқаларга таъсир кўрсатиш жараёни;
- д) бир-бирларига ҳамдардлик билдириш имконияти;
- е) шахсларнинг бир-бирларини тушуниши жараёни.

Мулоқотнинг турли шакллари ёки босқичлари мавжуд бўлиб, дастлабки босқич – одамнинг ўз-ўзи билан мулоқотидир. Т.Шибутани “Ижтимоий психология” дарслигида: “Агар одам озгина бўлса ҳам ўзини англаса, демак, у ўз-ўзига кўрсатмалар бера олади”- деб тўғри ёзган эди. Одамнинг ўз-ўзи билан мулоқоти аслида унинг бошқалар билан мулоқотининг характерини ва ҳажмини белгилайди. Агар одам ўз-ўзи билан ҳадеб мулоқот қилишни одат қилиб олиб, доимо жамиятдан ўзини четга тортиб, тортиниб юрса, демак, у бошқалар билан суҳбатлашишда, тил топишишда жиддий қийинчиликларни бошдан кечиради, дейиш мумкин. Демак, ўзгалар билан мулоқот – мулоқотнинг иккинчи босқичи ва кўринишидир.

Психологик таъсир ўтказиш қонуниятлари:

-агар психологик таъсир ўтказиш биринчи навбатда одамларнинг эҳтиёжлар-қўзғатувчи сабаблар соҳасига йўналтирилган бўлса, унинг натижалари биринчи навбатда одамларнинг ҳаракат қилиш истагининг (ҳаракатга мойиллигининг) йўналтирилганлиги ва кучида кўринади;

-психиканинг эмоционал соҳаси нишонга олинган тақдирда, бу ички

кечикмалар, шунингдек шахслараро муносабатларда ўз аксини топади:

-юқорида кўрсатиб ўтилган ҳар иккала соҳага таъсир ўтказишнинг бирлашуви одамларнинг ҳоҳиш-ирода фаоллигига таъсир кўрсатиш ва шу тариқа уларнинг хулқ-атворини бошқариш имконини беради;

-коммуникация-хулқ атвор соҳасига (ўзаро муносабатлар ва мулоқот қилиш ўзига хосасига) таъсир кўрсатиш ижтимоий-психологик қулайликлар ва ноқулайликларни яратиш, одамларни атрофдагилар билан ҳамкорлик қилиш ёки зиддиятларга киришишга мажбур қилиш имконини беради;

-одамнинг интеллект – билиш соҳасига таъсир ўтказиш натижасида унинг тасаввурлари, янги келиб тушган ахборотни қабул қилиш характери ва охир-оқибатда унинг оламининг манзараси керакли томонга қараб ўзгаради.

Психологик таъсир ўтказиш услуби – одам ёки одамлар гуруҳининг онги ва таг онгига таъсир ўтказишни амалга ошириш бўйича психологик усуллар ва операциялар жамланмасидир. Психологик таъсир ўтказишнинг ишонтириш, сингдириш, мажбур қилиш, юқтириш, ўрнат олиш каби услублари ажратилади.

### **Назорат саволлари**

1. Гуруҳ ва жамоанинг фарқи нима?
2. Жамоанинг уюшқоклиги нималарда акс этади?
3. Гуруҳ динамикаси деганда нимани тушунаси?
4. Конформизм нима?
5. Жамоанинг шаклланиши қандай босқичларда кечади?
6. Ўзаро мослик деганда нимани тушунаси?
7. Субординация тушунчаси қандай маънони англатади?
8. Лидерлик хусусиятларини шаклланиши қандай омиллар негизида кечади?
9. Негативизм нималарда ифодаланади?
10. Психологик таъсир нима?
11. Психологик таъсир ўтказиш қонуниятлари қайсилар?
12. “Фасилитация” тушунчаси қандай маънони англатади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Myers D.G. Social psychology. 11 edition. – McGraw-Hill Education, 2012.
2. Абрамова.Г.С. Практическая психология. Екатеринбург: Деловая книга, 1999. – 512с.
3. Адизова Т.М. Ўқувчиларнинг шахслараро муносабатларини психологик диагностика ва коррекцион ишлари. ТДПИ. Нашр. Тошкент. 1997.
4. Андреева Г.М «Актуальные проблемы социальной психологии» . М, 1998.
5. Бэндлер Р. Гриндер Д. Сатир В. Семейная терапия.- Воронеж: «МОДЭК» 1993.
6. Введение в практическую социальную психологию/ Под ред. Ю.Жукова, Л.Петровской, О.Соловьевой. – М., 1996.

7. Гозиев Э.Ф. “Социал психология”. Тошкент, 2012 й.
8. Еникеев М.И. Общая и социальная психология М, 2002 .
9. Жалилова С.Х. «Социал психология» Маърузалар матни. Т. 2001 й.
10. Каримова В.М. «Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт» Т. 1999 й.
11. Каримова В.М. “Ижтимоий психология”. Тошкент, 2012 й.
12. Крыско В.Г. Социальная психология. М.: ЭКСМО,- 2010 г
13. Махсудова М.А. Мулоқот психологияси. - Т., 2006 й. 183 б.
14. Майерс Д. Социальная психология. -М., 2010.
15. Немов Р.С. Психология. 2 ва 3 китоб. М.: 2001.
16. Парыгин В.Д. Основы социально-психологической теории. М. 2001.
17. Петровский А.В. Социальная психология. -М., 2003.
18. Чернышев А.С. Практикум по решению конфликтных педагогических ситуаций. – М., 1998 г. 221 с.
19. Шибутани Т. Социальная психология. Ростов н/Дону, 1998.
20. Шихирев П.Н. Современная социальная психология. М., 1999.
21. Шугуров М.В. Социальный конфликт и самоосуществление личности. Саратов, 1994 г. 236 с.

### **3-мавзу: Ижтимоий психологияда шахс муаммоси.**

Режа:

1. Шахс ижтимоийлашуви.
2. Шахслараро муносабатлар моҳияти ва турлари.
3. Лидерлик қилиш услублари.
4. Гуруҳлар ва жамоалардаги шахслараро муносабатларни ўрганиш методлари.
5. Шахслараро муносабатларни ўрганишда социометрия методини қўллаш.

**Таянч иборалар:** шахс, ижтимоийлашув, ресоциализация, лидер, авторитар услуб, демократик услуб, либерал услуб, шахслараро муносабатлар, низо, социометрия

Ижтимоийлашув ёки социализация тушунчаси соф ижтимоий-психологик ва социологик категория бўлиб, бу шахснинг уни ўраб турган ташқи ижтимоий муҳит таъсирларига берилиши, унинг норма ва қоидаларини ўзлаштиришга мойиллиги, ўзлаштирганлик даражасини ифодаловчи жараёндир. Бу тушунчанинг умумий маъносида инсоннинг туғилиб, ўзини бевосита ўраб турган ташқи муҳит таъсирида улғайиши, шу жамият, шу атроф-муҳит қуршовида тарбияланиши ётади. Оила муҳити ҳар бир шахс учун ана шундай *бирламчи, дастлабки* ижтимоийлашув ўчоғи, маскани ҳисобланади. Ижтимоийлашувнинг иккиламчи масканлари ҳам мавжудки, унга барча босқичдаги таълим муассасалари, Меҳрибонлик

уйлари, махсус интернатлар ҳамда ҳарбий билим юртлари киради. Чунки у ерда нисбатан узоқ вақт мобайнида бола тарбиялани, ўша ернинг нормалари, қадриятлари ва талаблари таъсирида дунёқараши шаклланади, шахс бўлиб етилади. Агар дастлабки ёки иккиламчи социализациядан чекиниш, ундан маҳрум бўлиш ёки хулқнинг ташқи салбий таъсиротлар натижасида девиант шаклга келиши қайд этилса, унда илмий тилда айтганда, **ресоциализация** деб номланган жараён назарда тутилади.

Шундай қилиб, тор маънода ижтимоийлашув шахснинг ижтимоий муҳитга кириб бориши, унда сингиб кетиши, ташқи ижтимоий муҳит нормаларини қабул қилиб уларга риоя қилиши ёки қилмаслигини тушунтирувчи жараёндир. “Ижтимоийлашув” тушунчаси маъно жиҳатдан яқин бўлган икки хил тушунча билан боғлиқ: “*тарбия*” ва “*мослашув*”. Ижтимоийлашув *тарбия* жараёнидан анча кенгрокдир, чунки унинг маъно-мазмунида ҳар доим ҳам қолипга солиб бўлмайдиган, ҳар доим ҳам шахс томонидан англамайдиган ҳолатлар ҳам мавжуд бўлади. *Мослашув* эса ижтимоийлашувнинг бир таркибий қисми, унинг механизми сифатида қаралиши мумкин. **Ижтимоий психологик мослашув**, яъни, шахснинг ижтимоий муносабатларга кўникиши ва мослашиши орқали орттирган тажрибаси умумий ижтимоийлашувнинг бир кўринишидир.

Ижтимоийлашув жараёнида инсон жамиятдаги ижтимоий нормаларни ўзлаштиради, турли ролларни бажаришга ўрганади, жамоатчилик шароитида ўзини тутиш кўникмаларини ҳосил қилади. Шахснинг ижтимоийлашуви шу маънода унинг ижтимоий борлиқни билишига, англашига асосланади.

**Ижтимоийлашув манбаларига** қуйидагилар киради:

1) *болалик даврида орттирилган тажриба* – бу жараён психик функцияларнинг шаклланиши ва дастлабки ижтимоий хулқ нормаларининг намоён бўлиши билан параллел равишда кечади;

2) *ижтимоий институтлар* – таълим ва тарбия тизими; оиладан бошлаб, то олий ўқув юртлари ва ундан юқори поғоналардаги таълим олишга имкон берувчи масканлар, меҳнат жамоалари шулар жумласидандир;

3) *мулоқот ва ҳамкорликдаги фаолият жараёнидаги одамларнинг таъсири*. Бу ўринда ҳам расмий, ҳам норасмий шароитларда одамларнинг бир-бирлари билан мулоқоти, муомала маромлари назарда тутилади.

Инсон ҳаёти мобайнида бажаридиган ҳар бир ролида уни ўраб труган ижтимоий борлиқнинг нормалари, қоидалари, хулқ-атвор мезонлари ўз аксини топган бўлади. Ҳар бир одам ҳаёти мобайнида хаддан зиёд кўп турли ролларни бажарадики, уларнинг барчаси унинг ижтимоийлашув тажрибасида муносиб из қолдиради. Шунинг учун ушбу жараёнда ҳар бир одам ўзининг жамиятда ўрнини топишга интилади ва самарасига кўра у ёки бу мавқега эришади. Аслини олганда ижтимоийлашувнинг ҳар бир босқичида шахс ўзининг “Мен”ини тобора англаб, унга керакли тузатишлар киритиб боради. Агар шахсий тажриба ижобий бўлиб, одам кўрган-кечирганларидан яхши ва тўғри хулосалар чиқариб, тўғри турмуш тарзини шакллантира олса, унинг одамлар орасида обрўси юқори, акс холда шахс деградацияси, хулқдаги депривациялар ҳақида хулоса чиқарилади.

Ижтимоий фаолиятнинг қайси соҳаси ёки шахслараро муносабатларнинг қайси шаклини олмайлик ( иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий, маънавий ва ҳ.з ), унинг негизи ва туб моҳиятини ўша муносабатларнинг эгаси ёки субъекти бўлмиш инсонлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва муносабатлар ташкил этишни инкор этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир конкрет шароитда шахслараро мулоқот самарадорлигини ошириш омилларини ўрганиш ижтимоий психологиянинг муҳим вазифасидир.

Шахслараро таъсир ҳақида гап кетганда, ўқитувчи обрўининг роли ҳақида ҳам айтиш лозим. Чунки, обрўли одам доимо ўша обрў қозонган гуруҳида ўз мавқеига ва таъсирига эга бўлади. Шахс обрўи унинг бошқа шахсларга иродавий ва эмоционал таъсир кўрсата олиш қобилиятидир. Маълумки, обрў амал ёки ҳаётий тажриба билангина орттирилмай, унинг ҳақиқий асоси – шахснинг одамлар билан тўғри муносабати, ундаги одамийлик хислатларининг, бошқа ижобий хислатларининг уйғунлашувидадир. Психологик обрў – таъсир кўрсатишнинг энг муҳим мезонидир.

Шахслараро муносабат- деб, икки ёки бир неча киши орасида ўзаро идрок қилиш ва ўзаро таъсир тушинилади. Унинг қуйидаги турлари фарқланади:

- расмий муносабатлар – турли тоифадаги шахслар таъсиридаги муносабатлар назарда тутилади.

- иш муносабатлари – шахсларнинг фаолият жараёнидаги ёки фаолият юзасидан шакллланган ўзаро муносабатлари.

- шахсий муносабатлар — кишилар ўртасидаги ҳаёт, турмушда юзага келадиган муносабатларга айтилади.

- ҳиссий муносабатлар — ўзаро муносабатларда юзага келадиган ижобий ёки салбий субъектив муносабатлар назарда тутилади. Шахслараро муносабатларда инсонлар орасида ҳар қил статус (мавқедаги) кишилар фарқланади. Кўпчилик томонидан танлаб олинган, гуруҳдаги ҳурмати, ўрни, таъсири юқори шахслар «гуруҳ юлдузлари» деб аталади. Шахслараро муносабатларда танлаб олинган, гуруҳга қўшила олмаган шахс эса «яккаланиб» қолган ҳисобланади. Агар гуруҳдаги шахслараро муносабатларда мавқеи паст ва яккаланиб қолган шахслар кўпчилиқни ташкил этса, бундай гуруҳда ўзаро ҳамкорлик, жипслик паст ҳисобланади.

Шахслараро муносабатларда кишиларнинг ўзаро бир-бирларига интилишлари, ўзаро бир-бирларини ижобий қабул қилишлари – *аффиляция* деб аталади.

Шахсларнинг ўзаро ижобий, ҳиссий яқин муносабатлари *дўстлик*ка олиб келиши мумкин. Муносабатларда очиқлик, ошкоралик, содиқлик ўзаро ҳурмат, ишонч дўстликни мустаҳкамлайди. Дўстлик иш юзасидан фойда олиш, бир-бирини маънавий, интеллектуал бойитиш мақсадида ҳам юзага келади. Шу билан бирга олий мақсадлар йўлида пайдо бўладиган дўстлик ҳам бўлиши мумкин.

Ижтимоий ҳаётда, шахслараро муносабатларда айрим алоҳида низолар, ўзаро келишмовчиликларни бўлиб туриши муқаррар. Шунинг учун баъзан

олимлар зиддият ёки низоларнинг нафақат салбий, балки ижобий томонлари ҳам бўлиши мумкинлигини очик эътироф этадилар. Масалан, Г. Андреева айрим зиддиятларнинг конструктив оқибатлари тўғрисида ёзади. Унинг фикрича, баъзан икки шахс ўртасида келиб чиққан низо уларнинг истиқболда тўғри хулоса чиқариб, шунадй ҳаракатни бошқа қайтармасликка, омилкорликка, хушёрликка ундайди. Ёки бир қарашда танбеҳга assolанган шахслараро зиддият шахсни ўз устида муттасил ишлашга, ўз хулқини ўзи тузатишига сабаб бўлади. Бундай низолар оқибатида кўра **конструктив** деб аталади. **Деструктив** низонинг оқибати эса кўпинча салбий бўлиб, у шахслараро антогонизмни келтириб чиқаради, томонларнинг асаблари чарчайди, улар хасталаниб қолиши ҳам мумкин. Ёки эр ва хотин ўртасида, ёхуд қайнона ва келин ўртасидаги низо оила ажримига сабаб бўлиши ва бир бутун оила бузилиб кетиши мумкин.

**Конфликт, низо ёки зиддият** – бу айрим алоҳида олинган шахс онгида, ёки шахслараро мулоқот жараёнида, гуруҳ доирасида ёки гуруҳлараро ўзаро мулоқот ва таъсир пайтларида бирор муаммо, масала ёки қарашлар борасида бир-бирига тўғри келмайдиган, қарама-қарши фикр, қараш ва позицияларнинг тўқнашуви оқибати пайдо бўлган салбий ҳиссиётларга тўла муносабатлар маромини билдирувчи ижтимоий психологик ходисадир.

Лидерлик услубини фарқлашдаги анъанавий ёндошувлардан бири Курт Левин томонидан киритилган типологияга асосланиб, бунда лидерликнинг авторитар, демократик ва либерал услублари фарқланади. Авторитар услубда раҳбар ҳамма лидерлик қарорларини ўз қўлига олади, қарор ижросини қаттиқ назорат остига олади ва йул қўйилган хатолар юзасидан бешафқат жазолаш шахдини намойиш этади, ходимга инсон сифатида қизиқиш билан қарамайди. Бундай шароитда, доимий назоратнинг мавжудлиги тартиб интизом жиҳатдан юқори кўрсаткични таъминлайди. Лекин, психологик нуқтаи назардан бундай услубда қатор камчиликлар кузатилади: 1) хатога йул қўйиш эҳтимоли ошади; 2) ташаббусни, ходимларнинг ижодий фаолиятини сўндириш, ихтиролар жорий этишнинг секинлашуви, ходимларнинг сустлиги; 3) ходимларнинг ишдан, жамоадаги мавқеидан қониқмасликлари; 4) носоғлом психологик муҳит натижасида жисмоний ва рухий зўриқишлар ошиши ва соғлиққа салбий таъсири. Бундай услуб раҳбар ва ходим, ота-она ва фарзанд, тарбиячи ва тарбияланувчи орасидаги муносабатларда қаттиқ интизом ва итоатгуйлик зарур бўлган шароитда мақсадга мувофиқ ва ўзини оқлаши мумкин. Боланинг таълим муассасасига мослашув жараёнига бу услуб салбий таъсир этади, мослашув жараёни секин кечади.

Демократик услуб, баъзан шериклик ҳамкорликка асосланган лидерлик услуби ҳам деб аталади. Бундай услуб ҳукм сурган жамоада лидерлик қарорлари ходимлар билан муҳокама қилиш орқали, уларнинг фикри ва ташаббусини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади. Шунингдек, қарор ижросининг назорати ҳам раҳбар, ҳам ходимлар томонидан амалга оширилади, раҳбар ходимга шахс сифатида қарайди, унинг эҳтиёж, манфаат

ва қизиқишларини инобатга олади. Деморатик услуб энг самарали бошқарув воситаларидан ҳисобланиб, уни қўллашда тўғри қарор қабул қилиш эҳтимоли ошади, меҳнат самарадорлиги таъминланади, бажарилаётган ишдан ва жамоага аъзоликдан принципи ўсади, гуруҳнинг аҳиллиги ошиб психологик муҳит ижобийлашади.

Либерал услубда жамоада демократик тамойиллар ҳукм суради, ходимга буткул эркинлик берилади, у ўз хизмат вазифаларини белгилайди ва ижро этиш воситасини танлайди, гуруҳда хулқни назорат этиш деярли кузатилмайди. Бундай услуб юқори ижодий кучга эга бўлган ва ишлаб чиқариш жараёни бенуксон йўлга қўйилган жамоада қўлланиши мумкин. Аммо, бундай услуб ноўрин қўлланилганда гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ташаббускор бўлиши билан бирга, уларни маълум мақсад сари йуналтирувчи куч жамоада булмайди, қабул қилинган қарорлар назорати суств бўлгани учун улар бажарилмай қолиб кетиши ҳам мумкин. Натижада ходимлар ўз меҳнатидан ва раҳбариятдан қониқмайди, иш самарадорлиги паст, жамоада ҳамкорлик йуқ бир-бири билан киришмайдиган гуруҳларга бўлиниш эҳтимоли кўпаяди ва гуруҳлараро очик ёки яширин низо юзага келади.

Юқорида санаб ўтилган лидерлик услублари ҳар бир раҳбар, бошқаруви, тарбиячи фаолиятида у ёки бу даражада намоён бўлади ва айримларда бу услубларга хос белгилар аниқ кўринса, иккинчисида суств кўзга ташланади. Баъзи бир раҳбар бирон услубга мойиллигини англаса, иккинчиси ўз хулқида аниқ бир услуб белгиларини ажрата олмайди. Шунга мувофиқ равишда психологик тавсияларда раҳбар шахс сифатида услубдан ўзини ажрата олиши ва услубдан фойдаланишни ихтиерий даражага олиб кела олиши маслаҳат берилади.

Диагностик методларга асосан, тестлар ва бошқа методикалар киради. Булар: шахслараро муносабатлари аниқлашга мўлжалланган Т.Лири методикаси, социометрия, референтометрия, Томос сўровномаси, Рене-Желе методикаси, С.Розенцвейгнинг расмли ассоциациялари ва барча проектив тестлар, жумладан, “Оила расми” методикаси, ва бошқа жуда кўп методикалар киради.

Кейинги йилларда ижтимоий психологияда баъзи бир клиник методлар ҳам қўлланилмоқда. “Роршахнинг сиёҳ доғлари”, Кеттел, ММРІ ва бошқалар шулар жумласидандир.

Жамоани ва гуруҳни ўрганишда рус олимларидан Б.М.Бехтеров, Я.Л.Коломинский, А.В.Петровский, Л.И.Уманскийларнинг ҳиммати катта.

Америкалик тадқиқотчи Я.Морено “социометрик” йўналишнинг кашфиётчиси саналади. Унинг социометрия методикаси ижтимоий психологиянинг гуруҳ жипслиги, гуруҳдаги шахсларнинг социометрик нуфузини аниқлашга қаратилган муҳим методлардан бири ҳисобланади.

Социометрия ёрдамида гуруҳнинг норасмий таркиби ва ундаги психологик муҳитни аниқлаш мумкин.

Методика ўтказишдан мақсад: Методика гуруҳдаги шахслараро муносабатларда симпатия (ёкиш) ва антипатия (ёқмаслик)лик, гуруҳдаги жипслик, норасмий муносабатларни тадқиқ этишга мўлжалланган.

Шунингдек, методика ёрдамида гуруҳдаги (кичик гуруҳчалардаги) норасмий лидерлар, муносабатларни ва бошқа хусусиятларни аниқлаш мумкин.

Методикани ўтказиш тартиби: Методика икки хил шаклда ўтказилади. Биринчи шакли нопараметрик тарзда методикани ўтказишда синалувчиларга ўз гуруҳидан танлайдиган кишиларнинг сони чегаралаб қўйилмайди. Синалувчининг олдида гуруҳ аъзоларининг рўйхати қўйилиб, шу кишиларни ўзига ёқиш ёки ёқмаслик даражасига қараб рақамлаб чиқиш таклиф этилади. Нопараметрик методикани ноқулайлик томони шундаки, гуруҳ аъзолари сони 15-16 тадан ошгандан сўнг социометрик танловлар сонини ҳисоблаш қийинлашиб қолади. Бундай вазиятларда электрон ҳисоблаш машиналардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Нопараметрик методиканинг яна бир ноқулайлиги, шахс гуруҳидаги 20-25та тенгдошларини объектив равишда баҳолашга, муносабатини билдиришга қисқа вақт ичида қийналиб, тасодифий танлов бажариши мумкин.

Методиканинг иккинчи шакли параметрик тарздаги танловлар бўлиб, шахсга ўзи фаолият кўрсатаётган гуруҳдан 3-5 тагача кишиларни (ўзига ёққан) танлаш таклиф этилади. Яъни танлов сони 3-5 та киши билан чегараланади.

Параметрик тарздаги танловлар. Тадқиқотчиларнинг фикрича, параметрик тарздаги танловлар содда, ишончли бўлиб муҳим танловлар сонини ва қийматларини ҳисоблашни осонлаштиради.

Танловлар сонининг чегараланганлиги (3-5 киши) шахснинг танловларга жиддий эътибор билан ёндашишига сабаб бўлади.

*Социометрия методикаси қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:*

Гуруҳдаги жипслик ёки тарқоқликни аниқлаш;

Гуруҳ аъзолари орасидаги симпатия ва антипатияни аниқлаш;

Гуруҳдаги норасмий лидерлар ва яққаланиб қолганларни аниқлаш.

Гуруҳ аъзоларининг ўзаро муносабатларидаги мавқеъни (статуслари)ни аниқлаш.

### **Назорат саволлари:**

1. Шахс ижтимоийлашуви нима?
2. Ижтимоийлашув манбааларига нималар киради?
3. Ижтимоийлашув босқичлари қандай?
4. Шахслараро муносабатларнинг қандай турларини биласиз?
5. Лидерлик услубларини қандайларини биласиз?
6. Болалар жамоаларини бошқаришда қандай услублардан фойдаланиш керак?
7. Социометрия методининг асосчиси ким?
8. Шахслараро муносабатларни ўрганувчи қандай методикаларни биласиз?
9. Низоларнинг қандай турлари бор?
10. Низоларни бартараф этиш усуллари қандай?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Myers D.G. Social psychology. 11 edition. – McGraw-Hill Education, 2012.
2. Абрамова.Г.С. Практическая психология. Екатеринбург: Деловая книга, 1999. – 512с.
3. Адизова Т.М. Ўқувчиларнинг шахслараро муносабатларини психологик диагностика ва коррекцион ишлари. ТДПИ. Нашр. Тошкент. 1997.
4. Андреева Г.М «Актуальные проблемы социальной психологии» . М, 1998.
5. Бэндлер Р. Гриндер Д. Сатир В. Семейная терапия.- Воронеж: «МОДЭК» 1993.
6. Введение в практическую социальную психологию/ Под ред. Ю.Жукова, Л.Петровской, О.Соловьевой. – М., 1996.
7. Ғозиев Э.Ғ. “Социал психология”. Тошкент, 2012 й.
8. Еникеев М.И. Общая и социальная психология М, 2002 .
9. Жалилова С.Х. «Социал психология» Маърузалар матни.Т.2001й.
10. Каримова В.М. «Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт» Т.1999й.
11. Каримова В.М. “Ижтимоий психология”. Тошкент, 2012 й.
12. Крыско В.Г. Социальная психология. М.: ЭКСМО,- 2010 г
13. Махсудова М.А. Мулоқот психологияси. - Т., 2006 й. 183 б.
14. Майерс Д. Социальная психология. -М., 2010.
15. Немов Р.С. Психология. 2 ва 3 китоб. М.: 2001.
16. Парыгин В.Д. Основы социально-психологической теории. М. 2001.
17. Петровский А.В. Социальная психология. -М., 2003.
18. Чернышев А.С. Практикум по решению конфликтных педагогических ситуаций. – М., 1998 г. 221 с.
19. Шибутани Т. Социальная психология. Ростов н/Дону, 1998.
20. Шихирев П.Н. Современная социальная психология.М., 1999.
21. Шугуров М.В. Социальный конфликт и самоосуществление личности. Саратов, 1994 г. 236 с.

# АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### **1-амалий машғулот.**

#### **Гуруҳлар ва жамоалардаги шахслараро муносабатларни ўрганиш методлари (4 соат)**

Ишдан мақсад: Гуруҳлар ва жамоалардаги шахслараро муносабатларни, шахснинг мулоқотчанлигини, жамоадаги психологик муҳитни ўрганиш методикаларини қўллай олиш кўникмаларига эга бўлиш.

Ушбу амалий иш давомида қуйидагиларни **бажариш лозим:**

- Методикалар мазмунини тушуниш;
- Кичик тадқиқот ўтказиш;
- Жавоб варақаларини қайд этиш;
- Баҳолаш имкониятига эга бўлиш;
- Натижаларни қайта ишлаш;
- Хулоса чиқариш

#### **Мулоқотчанликнинг умумий даражасини аниқлаш сўровномаси**

Мазкур сўровнома В.Ф.Ряховский томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, мулоқотчанликнинг умумий даражасини аниқлаш мақсадида қўлланади.

Синалувчига кўрсатма: «Сизнинг эътиборингизга бир қатор оддий саволлар хавола этилади. Сиз уларга «ҳа», «йўқ» «баъзида» деб жавоб қайтаришингиз мумкин. Саволларга тез, кўп ўйламай жавоб беришингиз талаб этилади».

#### **Саволлар**

1. Сизни оддий ёки иш билан боғлиқ учрашув кутиб турибди. Учрашув вақтини кутиш сизни асабийлаштирадими?
2. Сизга бирор мажлис, анжуман ёки шу каби бошқа тадбирда нутқ сўзлаш, маъруза ўқиш, ахборот етказиш топширилса, бунда халоватингизни йўқотиб, бевосита бўлиб кўрасизми?
2. Шифокор қабулига боришни касал зўрайиб кетгунча чўзиб юрадиган одатингиз борми?
3. Сизни бошқа шаҳарга меҳнат сафарига жўнатишмоқда. Сиз авваллари ҳеч қачон бу шаҳарда бўлмагансиз. Сиз бор имкониятингизни ишга солиб, ушбу меҳнат сафаридан кутилиб қолишга уринасизми?
4. Ўз кечинмалирингизни бировга у ким бўлишидан қатъий назар гапириб беришни ёқтирасизми?
5. Кўчада нотаниш одам сизга илтимос билан (йўлни кўрсатиб юбориш, вақтни айтиб юбориш ва бошқа илтимослар) мурожаат қилиши жонингизга тегадими?
6. Ҳар хил авлод вакиллари, ҳақиқатдан ҳам, бир – бирини тушуниши қийин, деб ўйлайсизми?

7. Танишингиз бир неча ой аввал сиздан қарз олган бўлса, унга пулни қайтариш илтимоси билан мурожаат қилишга уяласизми?

8. Ресторан ёки кафеда сизга сифатсиз таом келтирилди. Сиз индамай ликопчани жаҳл билан бир четга суриб қўясизми?

9. Нотаниш одам билан ёлғиз қолганда, сиз суҳбатга киришмайсиз, ўзингиз гап бошламайсиз. Шундайми?

10. Сиз борган жойда одамлар узун навбат ҳосил қилиб туришган бўлса (масалан, дўконда, кутубхонада, кассада) ниятингиздан қайтмай қатор охирига келиб турармидингиз?

11. Низоли вазиятларни ҳал этиш билан шуғулланувчи бирор комиссия ишида қатнашиш сизни чўчитадики?

12. Сиз санъат асарларига, бадий асарларга баҳо беришда бошқаларнинг фикр – мулоҳазаларини эътиборга олмайсиз. Шундайми?

13. Сиз яхши билган бирор масала бўйича биров аниқ хато гапирётган бўлса, бу одам билан баҳслашмасдан индамай қўя қоласизми?

14. Иш ёки ўқиш юзасидан биров муайян муаммони ҳал этишда ёрдам беришингизни илтимос қилганда, энсангиз қотадики?

15. Фикрингизни оғзаки айтгандан кўра ёзма тарзда билдиришни маъқул кўрасизми?

### **Натижаларни баҳолаш**

Ҳар бир «ҳа» деган жавоб учун 2 балл қўйилади.

Ҳар бир «баъзида» деган жавоб учун 1 балл қўйилади.

Ҳар бир «йўқ» деган жавоб учун 0 балл қўйилади.

### **Натижалар талқини.**

30 – 32 балл. Мулоқотчанлик даражаси анча паст. Бу сиздаги жиддий муаммо. Чунки бундан аввало ўзингиз азият чекасиз. Бироқ яқинларингизга ҳам осон тутиб бўлмайди. Ҳамкорликдаги фаолиятни талаб қилувчи ишни сизга ишониб топшириб бўлмайди. Мулоқотчанроқ бўлишга, ўзингизни бошқаришга ҳаракат қилинг.

25 – 29 балл. Сиз ёлғизланишни яхши кўрасиз, шунинг учун дўстларингиз кам. Нотаниш одамлар билан танишиш, нотаниш жойларга бориш зарурати ҳаловатингизни бузади. Сиз ўзингизнинг бу хусусиятларингизни биласиз ва ўзингиздан норози ҳам бўласиз. Лекин фақат норозилик билан чекланманг – характерни ўзгартириш ўз қўлингизда. Эслаб кўринг: бирорта ишга қизиқиб кетганингизда анча мулоқотчанг бўлиб қоласиз-ку!

19 – 24 балл. Сиз маълум даражада мулоқотчансиз ва нотаниш вазиятда ўзингизни йўқотиб қўймайсиз. Янги муаммолар сизни кўрқитмайди, аммо нотаниш одамлар билан мулоқот қилишда анча эҳтиёткорсиз, баҳс – мунозараларга бажонидил қўшилмайсиз. Баъзида гапларингизда заруратсиз киноя – кесатиқ кўпайиб кетади. Бироқ бу камчиликни тузатса бўлади.

14 – 18 балл. Сиз етарлича мулоқотчансиз, қизиқувчансиз, суҳбатдош қизиқ нарсалар ҳақида гапирганда, уни диққат билан тинглайсиз. Мулоқотда

анча сабрлисиз, ўз нуқтаи назарингизни ҳиссиётга берилмай ҳимоя қиласиз. Нотаниш одамлар билан суҳбатлашишга тўғри келганда, безовта бўлмайсиз, айти пайтда шовқин сўрон давраларни ёқтирмайсиз, бировнинг бачкана қилиқлари ва кўп гапириши ғашингизга тегади.

9 – 13 балл. Сиз жуда мулоқотчансиз (баъзида меъёридан ортиқ), қизиқувчан, гапдонсиз, ҳар хил масалалар бўйича ўз фикрингизни билдиришни яхши кўрасиз, бу эса баъзида атрофдагиларни ғашига тегади. Нотаниш одамлар билан бажонидил танишасиз, одамларнинг диққат марказида бўлишни ёқтирасиз. Ҳеч кимнинг илтимосини ерда қолдирмайсиз, лекин берилган ҳамма ваъдаларни бажара олмаслигингиз мумкин. Баъзида жаҳл устида қаттиқ гапириб юборасиз, бироқ тезда жаҳлингиздан тушасиз. Жиддий муаммолар билан тўқнашганда сизга сабр – тоқат етишмайди. Аммо ҳохласангиз ҳеч қандай муаммо олдида таслим бўлмаслигингиз мумкин.

4 – 8 балл. Сиз жуда мулоқотчансиз, гапингиз ичингизга сиғмайди. Доим ҳамма воқеалардан хабардорсиз, ҳар хил баҳс мунозара, тортишувларда қатнашишни хуш кўрасиз, лекин жиддий мавзулар сизни зериктириб юбориши мумкин. Бирор масала бўйича тўлиқ тасаввурга эга бўлмасанингиз ҳам, бу масала юзасидан сўзга чиқишга доим тайёрсиз. Ҳамма жойда ўзингизни эркин ҳис этасиз, ҳар қандай ишга киришиб кетаверасиз, аммо ҳар доим ҳам уни охиригача етказмайсиз. Шунинг учун раҳбарият ва ҳамкасблар сизга бироз хавотир ва шубҳа билан қарайдилар. Бу хусусиятларингиз ҳақида бош қотириб кўринг.

3 ва ундан кам балл. Сизнинг мулоқотчанлик даражангиз меъёрдан ортиқ даражада юқори. Жуда сергапсиз, сизга алоқаси бўлмаган ишларга аралашаверасиз, ҳал этишга қурбингиз етмайдиган муаммоларни бартараф этишга киришаверасиз, ихтиёрий ёки ихтиёрсиз равишда ҳар хил низоларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлиб қоласиз. Анча ҳафаланувчан, жазавага мойилсиз, жиддий ишни сизга топширмаган маъқул. Ўзингизнинг устингизда, характерингиз устида ишланг. Аввало ўзингизда сабр – тоқатни, вазминлик ва босиқликни тарбияланг, бошқаларга ҳурмат кўзи билан қарашни ўрганинг. Энг муҳими, ўз соғлигингиз ҳақида қайғуринг. Ишонинг бундай ҳаёт тарзининг оқибатлари жиддий бўлиши мумкин.

## **“Жамоада психологик муҳитни аниқлаш методикаси”**

### Методикадан фойдаланишдан мақсад:

Жамоада шаклланган психологик муҳит ва ҳар бир шахснинг жамоа аъзоларига муносабати ҳамда ҳамкорликни аниқлашга мўлжалланган.

### Методикани ўтказиш тартиби:

Методиканинг салбий ва ижобий сифатлари ёзилган жадвали ўқувчиларга кўрсатилиб, қарама-қарши сифатларни уч баллик шкала бўйича жамоадаги психологик муҳитни баҳолаши зарурлиги таъкидланади. Агар ўқувчи жамоадаги психологик муҳитни қанчалик юқори баҳоласа, демак жамоадаги психологик муҳит шунча юқори ҳисобланади.

| Ижобий сифатлар (ўзаро муносабатлар) “А” тўплам                                                                                                                                                                                                                                                                                                       | Баллар (ёки баҳолаш) | Салбий сифатлар (ўзаро муносабат) “Б” тўплам |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------|----------------------------------------------|
| 1. Дўстлик                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                            | 3 2 1 0 1 2 3        | Душманлик                                    |
| 2. Келишув                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                            | 3 2 1 0 1 2 3        | Келишмовчилик                                |
| 3. Қониқарли                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          | 3 2 1 0 1 2 3        | Қониқарсиз                                   |
| 4. Бир-биримизга эътибор-лимиз                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        | 3 2 1 0 1 2 3        | Бир-биримизга эътиборсизмиз                  |
| 5. Муносабатларимиз самарали                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          | 3 2 1 0 1 2 3        | Муносабатларимиз самарасиз                   |
| 6. Бир-биримизга ёқамиз                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               | 3 2 1 0 1 2 3        | Бир-биримизга ёқмаймиз                       |
| 7. Ўзаро ҳамкорлик мавжуд                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             | 3 2 1 0 1 2 3        | Ўзаро ҳамкорлик йўқ                          |
| 8. Ўзаро ёрдам мавжуд                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 | 3 2 1 0 1 2 3        | Ўзаро ёрдам йўқ                              |
| 9. Биргаликда вақтни қизиқарли ўтказамиз                                                                                                                                                                                                                                                                                                              | 3 2 1 0 1 2 3        | Бизлар биргаликда зерикамиз                  |
| 10. Жамоамизда ишлар яхши                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             | 3 2 1 0 1 2 3        | Жамоамизда ишлар яхши эмас                   |
| <b>Жами:</b>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |                      |                                              |
| Баҳолаш(балларни ҳисоблаш): “0”дан чап томондаги “А” тўплам саволларидан ўқувчиларнинг белгилаган сонлари ва “0” дан ўнг томондаги “Б” тўплам саволлардан ўқувчиларнинг белгилаган сонларнинг “жами” ҳисоблангандан сўнг, “А” тўпламдаги умумий баллар йиғиндисидан, “Б” тўпламнинг умумий баллар йиғиндиси айирилади. “А” ва “Б” йиғинди фарқланади. |                      |                                              |

Буни қуйидаги формулада ифодалаш мумкин:  $C=A-B$  ( $A-B=C$ )

Агар, “С” 0 га баробар бўлса ёки салбий сон чиқса, жамоада психологик иқлим яхши эмас, деб ҳисобланади. Агар “С” 25 дан юқори бўлса, жамоада психологик иқлим юқори даражада, агар 25 дан паст бўлса, жамоада психологик муҳит суёт ҳисобланади.

Жамоада ўртача психологик иқлимни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$C=C/N \quad N\text{-жамоа аъзолари сони.}$$

Жамоадаги психологик муҳит салбий деб ҳисобланса, унинг салбийлик даражасини аниқлаш учун (фоизларда) қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$n(C-)/M \times 100\%$$

$n(C-)$  жамоадаги психологик иқлимни салбий ҳисобловчилар сони.

“М”- гуруҳ аъзолари сони.

### Назорат саволлари

1. Мулоқотчанлик нима?
2. Мулоқотчанликнинг умумий даражасини аниқлаш тести муаллифи ким?
3. Методика нечта саволдан иборат ?
4. Жамоадаги психологик муҳит деганда нимани тушунаси?
5. Гуруҳни ўрганувчи қандай методикаларни биласиз?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абрамова.Г.С. Практическая психология. Екатеринбург: Деловая книга, 1999. – 512с.
2. Адизова Т.М. Ўқувчиларнинг шахслараро муносабатларини психологик диагностика ва коррекцион ишлари. ТДПИ. Нашр. Тошкент. 1997.
3. Каримова В.М. «Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт» Т.1999й.
4. Немов Р.С. Психология. 2 ва 3 китоб. М.: 2001.
5. Чернышев А.С. Практикум по решению конфликтных педагогических ситуаций. – М., 1998 г. 221 с.
6. Шибутани Т. Социальная психология. Ростов н/Дону, 1998.
7. Шихирев П.Н. Современная социальная психология.М., 1999.
8. Шугуров М.В. Социальный конфликт и самоосуществление личности. Саратов, 1994 г. 236 с.

### **2- амалий машғул**

#### **Ижтимоий психологик тадқиқотларда проектив методлар.**

**Ишдан мақсад:** Ижтимоий психологик тадқиқотларда проектив методикалардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш. Роршахнинг «Сиёҳ доғлари», Розенцвейгнинг «Расмли ассоциациялар» методикалари билан танишиш. «Тугалланмаган гаплар» методикасини ўтказиш малкасига эга бўлиш.

Методикалар билан таништириш:

Г.Роршахнинг “Сиёҳ доғлари” методикаси проектив методикалар сирасига киради. Методикада 10 та карточка қўлланилади. Карточкалар кетма-кет 1дан 10 гача стандарт ҳолатда намойиш қилинади.

Кўрсатма: “Бу нима? Расмдагини нимага ўхшатиш мумкин?”

Роршах “Сиёҳ доғлари” методикасидан намуналар:



Методика натижаларини тавсифлашда куйидаги кўрсаткичлар инобатга олинади:

- локализация;
- детерминантлар;
- мазмун;
- оммавийлик-оригиналлик.

Локализация – синалувчи ўз жавобини доғнинг бирон қисми билан ассоциация қилишини кўрсатади.

Жавоб детерминантлари – шакл, ранг, рангнинг ҳар хил туси ва “ҳаракат”.

Мазмун – энг муҳим кўрсаткичлар: инсон фигураси ёки унинг деталлари (ёки инсон танасининг қисмлари), ҳайвон фигураси ва унинг деталлари, шунингдек, жонсиз предметлар, ўсимликлар, харита, булут, қон доғлари, рентген расми.

Оммавийлик – одамлар ўртасидаги турли жавобларнинг нисбатан такрорланиши(частотаси) асосида, оммабоп(машҳур) жавоблар жадвали орқали таққослаш орқали аниқланади.

Г.Роршах методикаси бўйича чиқариладиган психологик хулосаларда:


- Шахснинг интеллектуал ва аффектив соҳаси;
- Шахслараро муносабатлар хусусиятлари тавсифланади.

### **Розенцвейгнинг “Фрустрацион тести”.**

Розентцвейг назариясига кўра :

- Экстрапунитив реакция.
- Интропунитив реакция.
- Инпунитив реакция фарқланади.

Розенцвейгнинг “Фрустрацион тести” проектив методикасидан намуналар



### **Назорат саволлари**

1. Проектив методикаларинг қандай турлари мавжуд?
2. “Тугалланмаган гаплар” методикаси муаллифи ким саналади?
3. Розенцвейг фикрича инсонда фрустрацион вазиятларда қандай реакциялар фарқланади?

#### 4. “Сиёҳ доғлари” методикаси муаллифи ким?

### 3- амалий машғулот

#### **Ижтимоий психологик тадқиқотларда проектив методлар.**

**Ишдан мақсад:** Ижтимоий психологик тадқиқотларда проектив методикалардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш. «Тугалланмаган гаплар» методикасини ўтказиш малкасига эга бўлиш.

Методикани ўтказишга талаб: Синалувчи гапларни тушуна оладиган ҳамда проектив метод тушунчаси ва вазифасининг мақсади билан таниш бўлмаслиги шарт.

Кўрсатма: Психолог синалувчига жумлаларнинг бошини ўқиб беради ва синалувчининг ҳаёлига келган биринчи фикрни ўйламасдан айтиб, жумлани якунлаб беришни илтимос қилади. Психолог жавобларни қоғозга ёки диктофонга ёзиб боради. Агар синалувчи жавоб беришдан олдин ўйланиб қолса, вақти-вақти билан ўйланмасдан жавоб қайтариш зарурлигини эслатиб туриш жоиз.

#### **Тугалланмаган жумлалар рўйхати:**

1. КАСБИМ.. (ЎҚИШИМ..)
2. ОИЛАМ..
3. ҚЎРҚАМАН-КИ...
4. ПУЛЛАР.....
5. ОРЗУИМ....
6. ИШ....
7. ТУШЛАРИМ....
8. КУРАШМОҚ....
9. ЭНГ ЁҚТИРГАНИМ...
10. УЙДА ....
11. БОШИМ....
12. БОЛАЛАР....
13. МЕНИ БЕЗОВТА ҚИЛГАН НАРСА....
14. АЖАЛ....
15. ҚИЁФАМ....
16. ДЎСТЛАР....
17. ҚУДРАТИМ ЕТСА....
18. РЕЖАЛАРИМ....
19. ЯШИРГАНЛАРИМ....
20. ЎЙЛАСАМ....

Рўйхатни синалувчига аҳамиятли бўлган мавзулар бўйича тузилган жумлалар билан тўлдириш мумкин.

**Натижалар таҳлили:** Таҳлилнинг асосий вазифаси –синалувчи учун аҳамиятли бўлган мавзу, муаммо ва низоларни аниқлаш. Таҳлилнинг барча вазиятларда иш берадиган қатъий бир қолипи йўқ, умумий ёндошувлар бор холос.

Баъзи жавоблар шундай аниқ берилганки, ҳеч қандай таҳлил ё изоҳга мухтожлик сезилмайди КАСБИМ..БЎЛМАГУР..; ёки ИШ..ЖОНГА ТЕГДИ деган жавобларга нима қўшимча қилиш мумкин (эллик бирга кирган аёл, инженер) ?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абрамова.Г.С. Практическая психология. Екатеринбург: Деловая книга, 1999. – 512с.
2. Адизова Т.М. Ўқувчиларнинг шахслараро муносабатларини психологик диагностика ва коррекцион ишлари. ТДПИ. Нашр. Тошкент. 1997.
3. Андреева Г.М «Актуальные проблемы социальной психологии» . М, 1998.
4. Введение в практическую социальную психологию/ Под ред. Ю.Жукова, Л.Петровской, О.Соловьевой. – М., 1996.
5. Каримова В.М. «Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт» Т.1999й.
6. Немов Р.С. Психология. 2 ва 3 китоб. М.: 2001.
7. Шихирев П.Н. Современная социальная психология.М., 1999.

### **4- амалий машғул**

#### **Шахслараро муносабатларни ўрганишда социометрия методини қўллаш**

**Ишдан мақсад:** Гуруҳдаги шахслараро муносабатларни ўрганишда социометрия методини қўллаш ва социометрик матрица тузиш кўникмаларига эга бўлиш.

Социометрия методикасининг асосчиси америкалик психиатр ва ижтимоий психолог Я.Морено ҳисобланади.

Социометрия ёрдамида гуруҳнинг норасмий таркиби ва ундаги психологик муҳитни аниқлаш мумкин.

Методика ўтказишдан мақсад: Методика гуруҳдаги шахслараро муносабатларда симпатия (ёқиш) ва антипатия (ёқмаслик)лик, гуруҳдаги жипслик, норасмий муносабатларни тадқиқ этишга мўлжалланган. Шунингдек, методика ёрдамида гуруҳдаги (кичик гуруҳчалардаги) норасмий лидерлар, муносабатларни ва бошқа хусусиятларни аниқлаш мумкин.

Методикани ўтказиш тартиби: Методика икки хил шаклда ўтказилади. Биринчи шакли нопараметрик тарзда методикани ўтказишда синалувчиларга ўз гуруҳидан танлайдиган кишиларнинг сони чегаралаб қўйилмайди. Синалувчининг олдида гуруҳ аъзоларининг рўйхати қўйилиб, шу кишиларни ўзига ёқиш ёки ёқмаслик даражасига қараб рақамлаб чиқиш таклиф этилади. Нопараметрик методикани ноқулайлик томони шундаки, гуруҳ аъзолари сони 15-16 тадан ошгандан сўнг социометрик танловлар сонини ҳисоблаш қийинлашиб қолади. Бундай вазиятларда электрон ҳисоблаш машиналардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Нопараметрик методиканинг яна бир ноқулайлиги, шахс гуруҳидаги 20-25та тенгдошларини

объектив равишда баҳолашга, муносабатини билдиришга қисқа вақт ичида қийналиб, тасодифий танлов бажариши мумкин.

Методиканинг иккинчи шакли параметрик тарздаги танловлар бўлиб, шахсга ўзи фаолият кўрсатаётган гуруҳдан 3-5 тагача кишиларни (ўзига ёққан) танлаш таклиф этилади. Яъни танлов сони 3-5 та киши билан чегараланади.

Параметрик тарздаги танловлар. Тадқиқотчиларнинг фикрича, параметрик тарздаги танловлар содда, ишончли бўлиб муҳим танловлар сонини ва қийматларини ҳисоблашни осонлаштиради.

Танловлар сонининг чегараланганлиги (3-5 киши) шахснинг танловларга жиддий эътибор билан ёндашишига сабаб бўлади.

*Социометрия методикаси қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:*

Гуруҳдаги жипслик ёки тарқоқликни аниқлаш;

Гуруҳ аъзолари орасидаги симпатия ва антипатияни аниқлаш;

Гуруҳдаги норасмий лидерлар ва яққаланиб қолганларни аниқлаш.

Гуруҳ аъзоларининг ўзаро муносабатларидаги мавқеъни (статуслари)ни аниқлаш.

Социометрия танловларини ўтказишда экспериментатор томонидан синалувчиларга бериладиган саволлар мезонларининг аҳамияти катта.

Бу мезонлар қуйидаги шаклда бўлиши мумкин:

1) Гуруҳдаги тенгдошларингиздан ўзингизга ёққан уч кишини уйингизга меҳмонга чақирмоқчисиз. Сиз улардан қайси бирини биринчи ўринда, қайсинисини иккинчи ва қайсинисини учинчи ўринда таклиф этасиз?

2) Синф етакчисини сайлаш учун, гуруҳда биринчи, иккинчи, учинчи, ўринда кимларни таклиф этасиз?

Социометрия методикасини ўтказиш учун синалувчиларга тестни ўтказиш мақсади қисқача тушинтирилади. Танловларни биров билан маслаҳатлашмасдан мустақил равишда амалга ошириш талаб қилинади. Иложи борича, ҳар бир столда битта ўқувчи саволларига жавоб ёзишни таъминланиши зарур.

Ҳар бир ўқувчи тўлдирган «социометрик карточкалар» асосида «социоматрица» (социометрик матрица) тўлдирилади.

Ўтказиш тартиби: кичикроқ қоғозга ўқувчининг исми ва фамилияси ёзилиб, тагига чизилади. Ўқувчига: “Танлаган дўстларингдан 3 тасининг исми ва фамилиясини кетма-кетликда шу қоғозга ёз, биринчи ўринга кимни қўясан, иккинчи ўринга кимни ва ҳақозо”, деб айтилади. Бу қоғозлар тўпланиб натижалар умумлаштирилади ва социометрик матрица тузилади. У орқали ҳар бир ўқувчининг гуруҳдаги социометрик статуси аниқланади.

### Социометрик матрица

| № | Ким танлайди | Кимни танлайди |   |   |   |   |   |   |
|---|--------------|----------------|---|---|---|---|---|---|
|   |              | 1              | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 1 | А.Х          | Х              |   |   | 2 |   | 1 | 3 |

|   |       |   |   |   |   |   |   |   |
|---|-------|---|---|---|---|---|---|---|
| 2 | Б.Б   | 2 | X |   | 3 |   | 1 |   |
| 3 | В.С   | 2 |   | X |   |   | 1 | 3 |
| 4 | С.Ф.  | 2 |   | 3 | X |   | 1 |   |
| 5 | Д.У.  |   | 2 |   | 1 | X | 2 |   |
| 6 | С.А.  |   | 1 | 2 |   |   | X | 3 |
|   | Жами: | 3 | 2 | 2 | 3 | 0 | 5 | 3 |

Кишининг социометрик статусини (нуфузини) аниқлашнинг турли формулалари ва уни изоҳловчи махсус терминлар мавжуд. Аммо рус психологи Я.Л.Коломинский ўқувчилар жамоасидаги шахслараро муносабатлар тизимини асосан социометрия услуби билан ўрганиб, ўқувчининг социометрик статусини аниқлашнинг содда ва ишончли услубини кўрсатган. Олимнинг тадқиқот ишида статуслар қуйидагича гуруҳлаган:

I гуруҳга, “юлдузлар” гуруҳига 6 ва ундан кўп танлов олганлар, яъни тадқиқот жараёнида ўртачадан икки баробар кўп танлов олган ўқувчиларни киритилган.

II гуруҳга, “ёқимтойлар” гуруҳига 3-5та танлов, яъни ўртача ва ундан бир, бир ярим баробар кўп танлов олганлар киритилган.

III гуруҳни 1 - 2 танлов олган ўқувчилар, яъни “қабул қилинмаганлар” ташкил қилишган.

IV гуруҳга эса умуман танлов олмаганларни-“яккаланиб” қолганларни киритилган.

Худди юқоридагидек, ҳар хил статусларни қуйидагича аниқланади:

Ўртачадан икки баробар кўп танлов олса - «юлдуз»лар ҳисобланади.

$St > m + 2 \text{ к} = 6\text{та}$

ўртачадан бир-бир ярим баробар кўп танлов олса - «ёқимтойлар».

$St > m + 1 (1,5) \text{ к} = 5\text{-}4\text{та}$

Ўртача танлов олган = ўртача (+3)

Ўртачадан 1 ёки 1,5 баробар кам танлов олганлар «қабул қилинмаганлар»

$St > m - 1 (1,5) = 1\text{-}2\text{та}$

Умуман танлов олмаганлар «яккаланиб қолганлар» дейилади.


$St > m - 2 \text{ к} = 0 \text{ та танлов}$

Социометрик танлов жараёнида қоғознинг орқа томонига «Ахмаджон сен нима учун Каримни танладинг?» деб сўралади ва жавоби ёзиб қўйилади. Бу «танлов мотивларини» аниқлаш жараёни ҳисобланади.

### Социограмма тузиш

Гуруҳнинг ичидаги кичик гуруҳчаларни аниқлаш, кичик гуруҳчаларда ўзаро муносабатлар (статуслар), лидер ва «яккаланиб қолганлар»нинг шахслараро муносабатларини яққолроқ ва аниқ кўриш учун социограммадан фойдаланилади.

## Социограмма - нишон



Гуруҳда ҳар бир ўқувчининг ўрни, мавқеи (статусини), бошқа тенгдошлар билан муносабатларини янада яққолроқ тассаввур этиш учун гуруҳ аъзоларининг танловлари ифода этилган социограмма «карта монограмма» тузилади.

«Карта монограмма» гуруҳ журнали асосида тузилиб, ҳар бир ўқувчининг тенгдошлари билан муносабатини ифода этади. Социометрия методикасининг натижалари аниқ, ишончли бўлиши учун методикани ўқув йилининг ўрталарида (ўқувчилар бир-бирларини яхши ўрганганларидан сўнг) ўтказилади. Методикани бир йилда бир неча марта ўтказилади ва чиққан натижалар умумлаштирилади.

# КЕЙСЛАР БАНКИ

## **Микрокейслар**

### **Микрокейс-1**

Мен – мактабгача таълим муассасаси тарбиячисиман. Гоҳида айрим ота-оналарнинг фарзандларини ҳаддан зиёд кеч олиб кетишлари натижасида уйга кеч қайтаман. Шу сабаб кечки овқатни ҳам вақтида тайёрлашга улгурмай қоламан. Бу ҳолатлар турмуш ўртоғимнинг жаҳлини чиқарди. Бир куни болалардан бирини уйга олиб кетишга мажбур бўлдим. У боланинг отаси келганида турмуш ўртоғим боланинг отаси билан қаттиқ тортишиб қолди. Сўнгра менга ҳам боғчада ишламаслик талабини қўйди. Мен ишимни роса яхши кўраман, гуруҳимдаги болалар ҳам менга роса ўрганиб қолишган. Нима қилишимни бу фикрларни турмуш ўроғимга қандай тушунтиришни билмаяпман.

Саволлар:

1. Тарбиячи қандай йўл тутгани маъқул (психолог сифатида маслаҳат беринг)? \_\_\_\_\_
  2. Ота-оналарга фарзандларига нисбатан масъулиятли бўлишни қандай тушунтириш даркор? Ўз фикрингизни асосланг.
- 

### **Микрокейс-2**

Фарзандим 4 ёшда. Шу кунга қадар қайнонамнинг талабларига кўра уйда фарзандим тарбияси билан шуғулландим. Яқинда фарзандимни МТМга бердим. Фарзандимни боғчага мослашиши қийин кечяпти. Ҳар куни турли хил баҳоналар билан боғчага келмаслик ҳаракатини қилади. Менимча, тарбиячи ҳам бундай ҳолатларда болани боғчага тез ўрганиб кетишига муомаласи билан ҳаракат қилиши даркор.

Саволлар:

1. Бундай вазиятларда психолог онага, тарбиячига қандай психологик маслаҳат бериши мумкин?
2. Тарбиячи ва тарбияланувчи ўртасидаги муносабатларни қандай ўрнатиш даркор?

### **Микрокейс-3**

Гуруҳимдаги Санжар исмли болани негадир ҳеч ёқтирмайман. Унинг ота-онаси билан ҳам оддий масалаларда тортишиб қолавераман. Санжарнинг қилиқлари ҳам машғулотлар давомида ўзини тутиши ҳам менининг жаҳлимни чиқаради. Бошқа гуруҳга ўтказиш учун мудирага кирганимда бунинг ҳозирча иложиси йўқлигини айтди.

Саволлар:

1. Тарбиячининг ижтимоий-психологик характеристикасини беринг.
2. Тарбиячига ота-она, тарбияланувчи ўртасидаги муносабатнинг характери таъсир қилган омилларни аниқланг.

### **Микрокейс-4**

Гуруҳ тарбияланувчиларидан айримлари ювиниш хонасини тартибсиз ҳолатга келтирганликлари учун тарбиячи уларни жазолаш мақсадида тушлик пайтида турғизиб қўйди. Болалардан бирининг отаси эртароқ олиб кетиш учун келиб қолди ва тарбиячи билан қаттиқ тортишиб қолди.

Саволлар:

1. Сизнингча тарбиячининг бу усули тўғрими?
2. Тарбиячининг бундай йўл тутишига нималар сабаб бўлган бўлиши мумкин?
3. Бундай вазиятда сиз қандай иш тутган бўлардингиз?

### **Микрокейс-5**

Тушлик пайтида ётоқхонада Т. ва К. исмли болалар номақбул қилиқлар қилди. Гуруҳдаги болалар бу вазият ҳақида тарбиячига хабар етказишди. Болаларнинг бундай номаъқулчиликлари биринчи бор эмаслиги аниқланди.

Саволлар:

1. Сизнингча тарбиячи нима қилиши керак?
2. Болаларнинг ота-онаси билан суҳбатни қандай амлга ошириши керак?
3. Болаларининг бундай йўл тутишига нималар сабаб бўлган?

### **Микрокейс-6**

Гуруҳда майда ўғирлик ҳолатлари содир этила бошланди. Болалар бунда Г.исмли қизни айбдор деб кўрсатишди. Қизча суҳбат давомида ўғирлик қилмаганлигини таъкидлади. Аммо унинг чўнтагидан йўқолган кичкина ўйинчоқ топилди.

Саволлар:

1. Сизнингча, тарбиячи бундай вазиятда қандай йўл тутиши керак?
2. Боланинг бундай ҳулқига нималар сабаб бўлган деб ўйлайсиз?
3. Психолог бундай вазиятда қандай метод ва техникалардан фойдаланган ҳолда коррекцион ишларни амалга оширади?

### **Микрокейс-7**

Гуруҳдаги Р.исмли бола ҳеч ким билан келиша олмайди. Доим кимнидир хафа қилади. Гуруҳдаги болалар ҳам уни ёқтиришмайди. Сайрга чиқишда ҳеч қайси бола у билан ҳамроҳ бўлишни истамайди.

Саволлар:

1. Боланинг бундай ҳулқига нималар сабаб бўлган деб ўйлайсиз?
2. Психолог гуруҳдаги вазиятни самарали ташкил этиш учун нималар қилиши керак?
3. Бундай вазиятда сиз ўзингизни қандай тутган бўлардингиз?

### **Микрокейс-8**

Мудира тарбиячиларга йиғилишда мурожаат қилиб, “Йиллик тадбирлар режасини тузишимиз керак, ўйлаб кўриб, таклифингизни айтишлар. Уни муҳокама қилиб, кейинги мажлисида тасдиқлаймиз.”-деди.

Саволлар:

1. Тадбирлар режасини тузаётганда ходимлар билан маслаҳатлашиш шартми?
2. Мудира раҳбарликнинг қайси усулидан фойдаланди?
3. Бундай ёндошувни ўз нуқтаи назарингиздан баҳоланг.

### **Микрокейс-9**

К.исмли бола машғулотда жуда лойдан кунт билан, сифатли қилиб буюм ясади. Бундан ўзи ҳам хурсанд бўлди. Тарбиячи эса унга эътибор бермади. Бундан тарбияланувчининг кайфияти бузилди. Ахир у бошқаларга ўзининг яхши ишлай олишини кўрсатиб қўймоқчи эди-ку?! Бирданига бундай бефарқлик...

Саволлар

1. Тарбиячининг бундай ҳаракатини психологик нуқтаи назардан қандай баҳолаш мумкин?
2. Тарбиячининг коммуникатив қобилиятига тавсиф беринг.

### **Микрокейс-10**

Мажлисга келган ота: «Мени фақат 10 минут вақтим бор холос. Хўш, ўғлим безорилик қилмаяптими, овқатини еяптими,-демак, хайр.» Тарбиячи ҳайрон бўлади: «Нимага камдан-кам ота-оналар болаларининг боғчада овқатланишинигина суриштиришади. Ўртоқлари уни ҳурмат қиладими, унинг ўзи хушмуомалами, машғулотларга қизиқадими, гуруҳда таълимий ишлар тўғри ташкил этилганми, камчиликлар йўқми, биргаликда қандай ишларни олиб бориш мумкин?» -деб сўрамайдилар.

Саволлар:

1. Тарбиячининг ҳайрон бўлишини сиз қандай баҳолайсиз.
2. Ота-оналар билан ишлаш бўйича тажрибангизни қисқача баён этинг.

# МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

## МАВЗУЛАРИ

## **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### **Мустақил таълим мавзулари**

1. Ижтимоий психологиянинг бошқа фанлар билан муносабати.
2. Ижтимоий психологик ғоялар шаклланиши
3. Чет эл социал психологиясидаги назариялар
4. XX аср социал психологиясида кичик гуруҳларни ўрганишга бўлган муносабатлар
5. Ижтимоий психологик тадқиқотнинг предмети ва асосий методлари
6. Ижтимоий психологияда «тест» қўллаш
7. Ижтимоий психологияда экспериментлар
8. Одамлар ўртасидаги коммуникатив жараённинг хусусиятлари.
9. Новербал мулоқот воситалари
10. Одамларнинг бир-бирларини тушунишида коммуникатив барьерлар
11. Коммуникация турлари
12. Ижтимоий психологияда перцептив жараёнларни анализ қилиш хусусияти
13. Кичик гуруҳларни ижтимоий психологияда ўрганилиши
14. Кичик гуруҳлар классификацияси
15. Оила - кичик гуруҳ сифатида.
16. Гуруҳдаги низолар ва уни бартараф этиш
17. Раҳбарлик услублари
19. Ташкилот психологияси
20. Шахслараро муносабатлар моҳияти

# ГЛОССАРИЙ

## Гуруҳлар ва жамоалар муаммоси

**Адолат** – муайян воқеа-ҳодиса, жараён, шунингдек, шахс хатти-ҳаракатларини уларнинг туб моҳиятига кўра ҳаққоний баҳолаш

**Анкета** – методлардан бири бўлиб, респондент тўғрисида аниқ кўзланган маълумотларни йиғиш мақсадида қўлланилади.

**Бошқарув** – шахс ва жамият муносабатларида ижтимоий, индивидуал муносабатларни ўрнатиш га қаратилган жараён.

**Вербал** – оғзаки ифодаланган нутқ.

**Гуруҳ** – одамларнинг биргаликдаги фаолият мазмуни ёки мулоқотда бўлиш характери каби қатор белгиларига асосланган ижтимоий жамоа.

**Дикция** (лот. “diction” – “талаффуз қилиш”) – сўзларнинг аниқ талаффуз қилиниши

**Жест** (гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари) – муайян ҳодиса ёки объектга нисбатан муносабатнинг гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари ёрдамида ифодаланиши

**Ижтимоий компетентлик** – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олиш

**Ижтимоий психология** – психология фанининг ўзига хос махсус тармоғи бўлиб, унда психик ва жамият тараққиёти қонунлари ўрганилади.

**Ижтимоий тасаввурлар** – шахсга жамият орқали таъсир етган нарса ва ҳодисаларнинг яққол образи.

**Илмий таҳмин** – текшириш ва тадқиқот олиб бориш мақсадида илгаридан кутилиши мумкин бўлган ҳолатнинг башорат қилиниши.

**Интерактив** – шахслараро муносабатларда бир-бирига таъсир етишга қаратилган томони бўлиб, бунда шахснинг ижтимоий мавқеи, роли муҳим омил сифатида кузатилади.

**Интерактив томон** – шахслараро муносабатларда бир-бирига ҳулқ-атвор таъсир кўрсатиш жараёни.

**Интуиция** (лот. “intuition” < “intueri” – “синчиклаб, диққат билан қарамоқ”) – мантиқий боғланмаган ёки мантиқий ҳулосага келиш учун етарли бўлмаганда қидирув йўналишлари асосида масалани ечишнинг таркибини бўлган эвристик (унумли ижодий фикрлаш) жараёни

**Информацион компетентлик** – ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш

**Касбий зийраклик** – ўқувчилар руҳий ҳолатларини, дарс, тарбиявий тадбирларни ўтказишга бўлган иштиёқларини тўғри баҳолаш, уларнинг ўзаро ёки педагоглар билан зиддиятларини англаш, ўқувчи ва гуруҳга таъсир кўрсатишда қулай вазиятини танлай билиш

**Коммуникатив** – шахслараро муносабатларда бирор маълумотнинг етказилишига қаратилган томони.

**Коммуникатив компетентлик** – таълим жараёнининг барча иштирокчилари, жумладан, болалар билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш

**Коммуникатив томон** – шахслараро муносабатларда маълумот, ахборот, гоёлар алмашинуви жараёни.

**Компетентлик** (ингл. “competence” – “қобилият”) – фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш

**Контент-анализ** – текширилаётган матнда сўз, ибора, абзацларни маъно-моҳиятини такрорланиш даражасига қараб таҳлил этиш усули.

**Конформизм** - бу реал ёки тасаввурлардаги гуруҳнинг шахс ётиқоди ва хулқ-атвориға таъсирини тушунтирувчи ходисадир.

**Кузатиш** – синалувчини аниқ мақсад, фаолият, вақт, гуруҳ билан боғлиқ равишда текшириш, ўрганиш, маълумотлар тўплаш методи.

**Қобилият** – шахснинг осонлик билан бирон фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусият

**Методология** – тадқиқот, текшириш усули бўлиб, билишнинг назарий ва амалий ўзлаштириш усуллари йиғиндисидир.

**Мимика** (юнон. “mimikos” – “тақлидий”) – юз мускуллари ҳаракатлари орқали шахснинг ўз фикри, ҳис-туйғулари, кайфияти ҳамда мавжуд воқеликка муносабатини ифодалаши

**Мулоқот** – 1) кишиларнинг ўзаро алоқаси, бир-бирларига таъсир кўрсатишлари кишилар ўртасидаги алоқани тиклаш ва ривожлантириш жараёни; 2) кишиларнинг бир-бирларига таъсир кўрсатиши асосида улар ўртасида рўй берадиган ахборот алмашинуви

**Мулоқот босқичлари** – мулоқотда мавжуд бўлган шахснинг ўзи билан, бошқалар билан ва авлодлар орасида кечадиган жараёни.

**Мулоқот жараёнида ахборот алмашиш воситалари** – шахслараро мулоқот жараёнида ахборот алмашинувини таъминловчи моддий ва номоддий нарса, омилар (оғзаки ва ёзма нутқ, паралингвистик ва экстралингвистик тизимлар, мулоқотнинг ташкилий кўлами ва вақти, кўз қарашлар ёрдамида ташкил этиладиган алоқа, белгиларнинг оптик-кинетик тизими (мимика, пантомимика, жестлар – гавда, қўл ва оёқ ҳаракатлари))

**Мулоқот маданияти** – 1) мулоқот жараёнини ахлоқий меъёрлар, ижтимоий талабларға мувофиқ ташкил этиш асосида суҳбатдошни тушуна олиш эҳтиёжи ва қобилиятиға эгалик; 2) педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири

**Мулоқот шакллари** – бевосита ва бавосита тур бўлиб, юзма-юз ёки восита орқали амалға ошиши кўзда тутилади.

**Муомала** – икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ўзаро бир-бириға таъсир этиши.

**Новербал** - нутқсиз ифодаланган ҳаракат, мимика, ҳолатларнинг бошқа шахсға йўналтирилиши.

**Нутқ маданияти** – ўз фикрини нутқ ёрдамида мантиқли, тўғри, образли, аниқ ва ифодали етказиб бериш малакаларининг ўзлаштирилганлик даражаси

**Оила** – турмуш қуриш, қариндош-уруғчилик асосидаги кичик гуруҳ.

**Пантомимика** – педагог томонидан баён этилаётган муайян фикрни алоҳида ажратиб кўрсатишга, маълум қиёфа орқали гавлантиришга имкон беради гавда, қўл ва оёқларнинг ҳаракати

**Паралингвистик тизим** (юнон. “pará” – яқин, нем. “linguistik” – тил) – мулоқот таркибида сўзли, назарий маълумотларни сўзсиз воситалар билан биргаликда узатилиши англатувчи тизим.

**Педагогик бошқариш** – педагогик жараёнларни ташкилий-методик жиҳатдан уюштириш (тарбияланувчилар фаолиятни бошқариш; тарбиячилар жамоасини бошқариш)

**Перцептив** – шахслараро муносабатларда бирор вазиятни, ҳолатни тушуниш, ҳис этишга қаратилган томони.

**Перцептив томон** – шахслараро муносабатларда тушуниш, ҳис этиш, идрок этишга қаратилган жараён.

**Релаксopedия** (лот. “relaxation” – “қувватсизлик”, “заифлашиш”, руҳан ёки жисмонан ҳолда тойишни бартараф этиш педагогикаси) – шахсда руҳий ва жисмоний толиқишларни бартараф этишга қаратилган педагогик фаолият

**Референт гуруҳ** – жамоа ёки гуруҳ орасида ўз таъсирига ега шахс ёки гуруҳнинг мавжуд бўлиши.

**Ритм** (юнон. “rhythmos” < “rjeo” – “оқаман”) – нутқда товушларнинг муайян изчиллик, кетма-кетликда асосида такрорланиб келиши, яъни нутқ вазнини ифодаловчи муҳим хусусият

**Ритмика** – айрим сўз ва бўғинларнинг айтилиш муддати ва тўхталиши, нутқ ва ифодаларнинг навбат билан ўз ўрнида ишлатилиши

**Руҳий барқарорлик** – руҳий-ҳиссий ҳолат (таъсирланиш)ларнинг давомийлиги ва барқарорлик даражаси

**Социал психологик эксперимент** – асосий методлардан бири бўлиб, ўзгарувчан мустақил турли ҳолат ва жараёнларнинг бошқа номуустақил ҳолат ва жараёнларга таъсир этишдаги аниқ маълумотларига таянади.

**Социал установка** - шахснинг атроф муҳитида содир бўлаётган ижтимоий ҳодисаларни, объектларни, ижтимоий гуруҳларни маълум тарзда идрок этиш, қабул қилиш ва улар билан муносабатлар ўрнатишга руҳий ички ҳозирлиги.

**Социология** – жамиятда юз берадиган турли-воқеа-ҳодисаларни ва ўзаро муносабатларни ўрганишга қаратилган фан.

**Сўров** – асосий методлардан бири бўлиб, нутқ мулоқоти ёрдамида бевосита ёки бавосита маълумот олинади.

**Ташкилотчилик қобилияти** – педагог томонидан таълимий ва тарбиявий жараёнларни илмий-назарий, методик ва ҳиссий жиҳатдан тўғри ташкил этилишини англатувчи сифат

**Тест** – синалувчини текшириш жараёнида махус қўлланиладиган методлардан бири бўлиб, бу метод орқали аниқ бир психологик хусусият аниқланади.

**Ўз устида ишлаш** – шахс ёки мутахассис томонидан ўзини ижтимоий ҳамда касбий жиҳатдан ривожлантириш, камолотга эришиш йўлида мақсадли, изчил, тизимли ҳаракатларнинг ташкил этиши

**Ўзини ўзи баҳолаш (ЎЎБ)** – шахснинг ўз-ўзини таҳлил қилиши орқали ўзига баҳо бериши

**Ўзини ўзи таҳлил қилиш** – педагог томонидан касбий фаолиятда ташкил этаётган ўз амалий ҳаракатлари моҳиятининг ўрганилиши

**Ўз-ўзини ривожлантириш** – шахснинг ўзида касбий тажриба, малака ва маҳоратни такомиллаштириш йўлида аниқ мақсад ва пухта ўйланган вазифалар асосида мустақил равишда амалий ҳаракатларни ташкил этиши

**Фикрлаш маданияти** – педагогнинг мавжуд педагогик вазиятларни инобатга ола билиши, уларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тўғри қарорлар қабул қилиши ва уларни амалиётга самарали тадбиқ эта олишини ифодаловчи сифат

**Ҳис этиш маданияти** – педагогик маданиятнинг таркибий элементларидан бири бўлиб, у педагог томонидан таълим жараёни иштирокчиларининг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари, ўй-фикрларини тушуна олиши, улар билан самарали мулоқотни ташкил этишини билдиради

**Шахс ижтимоийлашуви** - инсон томонидан ижтимоий тажрибани егаллаш ва ҳаёт - фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёнидир.

**Шахсий компетентлик** – изчил равишда касбий ўсишга эришиш, малака даражасини ошириб бориш, касбий фаолиятда ўз ички имкониятларини намоён қилиш

**Экстралингвистик тизим** (ингл. “exterior” – “ташқарида”, нем. “linguistik” – “тил”) – гапираётган шахснинг ижтимоий вазифалари билан бевосита боғлиқ ҳолда нутқнинг ташкил этилиши (нутқий танаффуслар, кулгу, йўталиш, нафас олиш, йиғлаш, тутилиш ва б.)ни ифодаловчи тизим

**Экстремал компетентлик** – фавқулотда вазиятлар (табiiй офатлар, технологик жараён ишдан чиққан)да, педагогик низолар юзага келганда оқилона қарор қабул қилиш, тўғри ҳаракатланиш малакасига эгалик

# АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### Махсус адабиётлар

1. Андреева Г.М «Актуальные проблемы социальной психологии» . М, 1998.
2. Адизова Т.М. Ўқувчиларнинг шахслараро муносабатларини психологик диагностика ва коррекцион ишлари. ТДПИ. Нашр. Тошкент. 1997.
3. Абрамова.Г.С. Практическая психология. Екатеринбург: Деловая книга, 1999. – 512с.
4. Адизова Т.М. Психологический тренинг общения- как средство формирования личности подростков и старшеклассников. – Ўзбекистон мустақиллиги – унинг Фани ва технологияларини ривожлантириш кафолати». Маърузалар тўплами. II том, Тошкент, 1999. с. 136- 140.
5. Еникеев М.И. Общая и социальная психология М, 2002 .
6. Каримова В.М. «Ижтимоий психология». Тошкент, 2012 й.
7. Каримова В.М. «Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт» Т.1999й.
8. Ғозиев Э.Ғ. «Социал психология». Тошкент, 2012 й.
9. Жалилова С.Х. «Социал психология» Маърузалар матни.Т.2001й.
10. Ғозиев Э. Психология методологияси. - Т.: Университет, 2002 й. 198 б.
11. Ғозиев Э. Умумий психология. 1, 2-китоб. - Т. Университет, 2002 й. 212б
12. Гимпель Н.Л. Условия продуктивного разрешения педагогического конфликта // Психология обучения. – 2002, №7. С. 12-16.
13. Ғозиев Э., Мамедов К. Касб психологияси. - Т., 2003 й. 183 б.
14. Мей Р. Искусство психологического консультирования. – М., 1994
15. Немов Р.С. Психологическое консультирование. – М., 2001
16. Давлетшин М.Г., Тўйчиева С.М. Умумий психология. - Т.: ТДПУ, 2002 й. 218 б.
17. Каримова В.М. Психология. - Т.: Шарқ, 2000 й. 210 б.
18. Махсудова М.А. Мулоқот психологияси. - Т., 2006 й. 183 б.
19. Маклаков А.Г. Общая психология. - СПб.: Питер, 2003 г. 316
20. Немов Р.С. Психология. - М.: ВЛАДОС, 2003.- 1-2-т. 518 с.46. Основы психологии: Практикум. (Пед. сост. Л.Д.Столяренко) Ростов Н.Д. 2006 г. 299 с.
21. Радугина А.А. Педагогика и психология.-Изд. центр Москва, 1999г. 418 с.
22. Абрамова.Г.С. Практическая психология. Екатеринбург: Деловая книга, 1999.
23. Бэндлер Р. Гриндер Д. Сатир В. Семейная терапия.- Воронеж: «МОДЭК» 1993
24. Колесников Г.И, Основы психопрофилактики и психокоррекции Ростов 2005г
25. Колодзин Б. Как жить после психологической травмы. М., Шанс,

1992.

26. Стратегия борьбы с насилием в семье: Справочное руководство. - Нью-Йорк, ООН, 1998.

27. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. - СПб.: Питер, 2007 г. 318 с.

28. Абрамова Г.С. Возрастная психология М., 2003

29. Крайг Г. Психология развития. М., 2005.

30. Дўстмухамедова Ш., Нишоновна З., Жалилова С. Ёш даврлари психологияси ва педагогик психология. Т., 2013.

31. Немов Р.С. Психология. 2 китоб. М.: 2001.

32. Ғозиев Э.Ғ. Онтогенез психологияси. Т., 2010.

33. Ёш ва педагогик психология. Давлетшин М.Г. тахр. Т, 2005.

34. Усмонова Э.З. Ўқувчиларда мустақил тафаккурни қандай шакллантириш мумкин? - Т. ТДПУ, 2000 й. 122 б.

35. Чернышев А.С. Практикум по решению конфликтных педагогических ситуаций. – М., 1998 г. 221 с.

36. Шугуров М.В. Социальный конфликт и самоосуществление личности. Саратов, 1994 г. 236 с.

37. Югай А.Х. Лабораторно-практические занятия по психологии - Т. ТДПУ, 2008 г. 92 с.

### **Электрон таълим ресурслари:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)

4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)

5. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)

6. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)

7. <http://www.uforum.uz/>

8. Axborot resurs markazi <http://www.assc.uz/>

9. <http://www.xabar.uz>

10. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

11. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)

12. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)